



ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ — ЭНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Тошкент шаҳрида 30 май куни видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда 2017 йилги Инвестиция дастурига киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз ҳудудларига таширфлари давомида ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ишларнинг ҳолатини танқидий таҳлил қилиш ва баҳолаш масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, тегишли вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, видеоконференция орқали Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказида ташкил этилган студияларда Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари, корхоналар раҳбарлари, тадбиркор ва инвесторлар қатнашдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Давлатимиз раҳбари инвестициялар ҳажмини изчил кўпайтириб бориш, замонавий ишлаб чиқариш объектиларини ишга тушириш мамлакатимиз иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, муҳим ижтимоий дастурларни амалга ошириш, энг асосийси, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашнинг ҳал қилувчи омилли эканини таъкидлади.

2017 йилги Инвестиция дастурига умумий қиймати 50 миллиард АҚШ доллари-га тенг 545 инвестиция лойиҳаси киритилган бўлиб, йил давомида 7,3 миллиард долларлик сармояларни ўзлаштириш белгиланган.

(Давоми 4-бетда.)

Еттинчи довон ортда қолди



25—27 май кунлари Жиззах шаҳрида мамлакатимиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Барқамол авлод — 2017» спорт ўйинларининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Унда ёшлар ўзларининг қандай маҳорат ва тажрибага эга эканини намойиш этиб, медаллар, эсдалик совғалари ҳамда унутилмас хотиралар билан ўз уйига қайтди.

Мазкур фестивалнинг республика босқичида спортнинг 17 тури — баскетбол, волейбол, футбол, кўл тўпи, шахмат, оғир атлетика, бокс, дзюдо, таэк-

вондо, эркин кураш, юнорум кураши, сузиш, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, бадминтон ва бадиий гимнастика бўйича беллашуларда қатнашган иштирокчиларга жами 193 олтин, 193 кумуш ва 214 бронза медал тақдим этилди.

(Давоми 15-бетда.)

Ҳар бир болага меҳр ва эътибор

1-iyun —
Xalqaro bolalarni
himoya qilish kuni

“Toshkent lend”
истироҳат боғи.
Боғни тўлдирган
ўғил-қизлар турли
арғимчоқ ва ат-
тракционларда
ушиб, қувнамоқда.
Бахтиёрликни
кўриб дил яйрайди.
Шодон кичкинтой-
лардек бола бўлиб
қолгингиз, улар
каби ўйнаб, қувна-
гингиз келади...



Бугун юртимиздаги барча маданият ва истироҳат боғларида ана шундай манзара ҳукмрон. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан аллақачон турли тадбирлар бошланиб кетди. “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди томонидан Халқ таълими вазирлиги, “Sen yolg'iz emassan” республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ҳафталикда мингдан ортқ бола иштирок этди. Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳамда пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок

бўлган ҳарбийларнинг фарзандлари “Toshkent lend” болалар истироҳат боғидаги аттракционлардан бепул фойдаланиб, маданий ҳордиқ чиқаришди.

— Эшитган бошқа, кўрган бошқа экан. “Toshkent lend”даги қулай, замонавий арғимчоқлар, мавжланиб турган кўл ва гўзал табиат бизни гўёки сеҳрлаб қўйгандек бўлди, — дейди Бўка туманидаги 15-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Шаҳзода Тожибоева. — Янги дўстлар орттирдик. Улар билан тез-тез мулоқот қилиб туришга, бир-биримизнинг таълим муассасамизга бориб, фикр алмашишга келишиб олдик.

(Давоми 6-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2017 йил 27 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев олиб борди. Сенаторлар ишни “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида (80, 93, 108 ва 109-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Муҳокама давомида таъкидланганидек, Қонун 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ

қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, уларнинг одил судловга эришиш даражасини, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, судьялар лавозимига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш вазифаларини рўйбга чиқаришга қаратилган принципиал қоидалардан иборатдир.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бoshқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони билан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил қилинган ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериши белгилаб қўйилди.

Асосий Қонунимизнинг 80-моддасига киритилган ўзгаришларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этишни, шунингдек, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини эшитишни Олий Мажлис Сенатининг ваколатларидан чиқариш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Олий Мажлис Сенати томонидан Судьялар олий кенгаши тавсия этган шахслар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланади.

Асосий Қонунимизнинг 108— ва 109-моддаларига киритилган тузатишларда конституциявий қонунларнинг, халқро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг имзоланганига қадар Конституцияга мувофиқлигини текшириш, Олий суднинг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституцияга мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган муражаотларини кўриб чиқиш, шунингдек, ҳар йили Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш борасидаги Конституциявий суднинг ваколатларини кенгайтириш назарда тутилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу ўзгариш ҳамда қўшимчалар экология ва атроф-муҳит соҳасидаги давлат бoshқаруви тизимини такомиллаштиришга, шу-

нингдек, Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлигини ва нуфузини оширишга қўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг Конституциявий суднинг ваколатларини кенгайтиришга, уни шакллантириш тартибини янада демократлаштиришга қаратилган **"Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни кўриб чиқилди.

Қонунда судьялар ваколатларининг муддати ва судьяликка номзодларга қўйилган талаблар аниқ белгилаб қўйилган, шу жумладан, Конституциявий суд аъзоларининг икки мартадан ортқ сайланиши мумкин эмаслиги, амалдаги 5 йиллик ваколат муддати сақланиб қолиши белгиламоқда. Судьяликка номзодларга нисбатан ёш цензини 30 дан 35 ёшга кўтариш ва судья лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши етмиш ёшни ташкил этиши назарда тутилмоқда. Судьяларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш асослари кенгайтирилмоқда.

Конституциянинг устуворлиги, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги каби принциплар қўшилганлиги ҳисобига Конституциявий суд фаолиятининг асосий принциплари кенгаймоқда. Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига киритилди.

Ҳуқуқий ҳужжатда Конституциявий суд фаолиятининг ташкилий масалалари батафсил очиб берилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда **"Суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги Қонун кўриб чиқилди. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш

чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониға, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ва 2017 йил 19 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги қайд этилди.

Низомга киритилган ўзгаришларга мувофиқ судларнинг, Судьялар олий кенгаши, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқот марказининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг худудий бўлимларининг ходимларига махсус унвонлар — мансаб даражалари берилишини назарда тутувчи тартиб ўрнатилмоқда.

Ушбу ўзгариш ва қўшимчалар суд ҳокимияти фаолиятининг самарадорлигини ва нуфузини оширишга қўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 21 апрелдаги "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бoshқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармон-

ларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ **"Ўзбекистон Республикасининг Сенати тўғрисида"**ги Конституциявий қонунға, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида"**ги, **"Парламент нazorати тўғрисида"**ги, **"Ички ишлар органлари тўғрисида"**ги, **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги қонунларға ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Қонунда ўрнатилган тартибға кўра, Олий Мажлис Сенати ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахборотини, ташқи ишлар вазирининг ўз фаолияти ҳақидаги ахборотини йилға икки марта эшитади, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотини Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмиталарига дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда йилға икки марта эшитади.

Қонунда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бундан буён Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этишни, шунингдек, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини эшитишни Олий Мажлис Сенатининг ваколатларидан чиқариш назарда тутилмоқда. Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ўз кучини йўқотган деб топилмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, ўзгариш ва қўшимчалар давлат бoshқаруви органлари фаолиятининг тизимлигини оширишға, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фаолияти устидан парламент нazorатини кучайтиришға қўмаклашади.

Ўзбекистон Республика-

си Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бoshқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ **"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига"** ўзгаришлар киритилмоқда. Ушбу ўзгаришлар ерлардан хўжасизларча фойдаланганлик ёки уларни яроқсиз холға келтирилганлик, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини, сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини, саноат, рўзғор чиқиндилари ва ўзға чиқиндиларни ташвиш, жойлаштириш, утиллаштириш, қўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик, шу жумладан, ушбу ҳуқуқбузарликларни такроран содир этганлик учун жавобгарлиқни кучайтиришға қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастуриға мувофиқ **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги ҳамда **"Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"**ги қонунларға ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Мазкур ўзгариш ва қўшимчалар тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар тоифасини аниқлаш ва васий ёки ҳомий этиб тайинланишиға тўсқинлик қиладиган касалликларға чалинган шахсларни васий ёки ҳомий этиб тайинлашға таъқиқ ўрнатишни назарда тутилмоқда.

Туманларнинг маҳаллий бюджетлари учун қўшимча манбаларни шакллантириш ва маҳаллий бюджетларнинг республика бюджетига қарамлигини босқичма-босқич камайитириш мақсадида **"Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексиға"** ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ушбу ўзгариш ва қўшимчаларда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг бошқа даромадлари таркибига акцияларнинг давлат улуши (пайи) бўйича дивидендларни (даромадларни) ҳам киритиш, бундан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) мустасно, ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг бошқа даромадлари таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендларни (даромадларни) ҳам киритиш назарда тутилмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

2017-yil 31-may, № 43 (9004)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ **"Давлат солиқ хизмати тўғрисида"**ги Қонунга, **Хўжалик процессуал кодекси**га, **Солиқ кодекси**га ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фойдаланишни янада кенгайтиришга, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғишга сарфланган харажатлар камайишини таъминлайдиган маъмуриятчилик ишларини такомиллаштиришга, масофавий (камерал) назоратни кенг жорий этишга ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, судлар ва жараён иштирокчилари ўртасида ҳужжатлар айирбашлаш механизмни соддалаштиришга ва тезкорлигини оширишга қаратилган.

Хўжалик ишларини, шу жумладан, электрон шаклда шакллантириш тартиби белгиланмоқда. Бу эса дастурий таъминот ишлаб чиқишни, шунингдек, суд мажлислари залларида замонавий компьютерлар, сканерлар ва бошқа ускуналар ўрнатишни назарда тутди.

Сенаторларнинг фикрича, мажбурий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғишга сарфланган харажатларнинг камайишини таъминлаш, жараён иштирокчиларининг молиявий харажатларини ва кетадиган вақтини қисқартириш, шунингдек, солиқ органлари, судлар ва солиқ тўловчиларнинг вақтини тежаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги "Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулк объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ айрим қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига кўра хусусийлаштирилган объектларни, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри

ҳокимлирига давлат мулкнинг стратегик бўлмаган объектларини, шу жумладан, давлатнинг кўчмас мулк объектларини инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда "ноль" қийматида сотиб олиш бўйича реаллаштириш қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилиши муносабати билан айрим объектларни давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектлар рўйхатидан чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг **"Прокуратура тўғрисида"**ги Қонунига ҳам ўзгартишлар киритилмоқда. Жумладан, Бош прокурор зиммасига юклатилган вазифаларнинг сифатли ижросини таъминлаш мақсадида алоҳида ҳолларда, прокуратура органларидаги хизматга иқтисодиёт, молия, социология, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ва бошқа соҳаларда олий маълумотга, зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни қабул қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонунини (янги тахрири) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги "Дори воситаларини ва тиббиёт буюмларини сотиш, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ижро этиш мақсадида қонун билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилмоқда. Хусусан, дори воситалари, тиббиёт учун мўлжалланган буюмлар каби тушунчаларга янги таърифлар берилди, тиббий техника, доривор ўсимлик хомашёси каби янги тушунчалар киритилди.

Бундан ташқари, фармацевтика фаолиятининг турини — дори воситаларини ва тиббиёт учун мўлжалланган буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш бўйича ваколатларни Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказиб берилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилмоқда.

Шунингдек, қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб топиломоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар бир қатор халқро ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларни кўриб чиқдилар. **"Ўзбекистон Республикаси билан**

Туркменистон ўртасидаги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани (Ашхобод, 2017 йил 6 март) ратификация қилиш ҳақида"ги, **"Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этуви Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга икки томонлама тўқимачилик Шартномасининг амал мuddати тугаганини ҳисобга олиб, Битим қондаларини тўқимачилик маҳсулотларининг икки томонлама савдосига кенгрок кўламда кўллаш мақсадида Битимга ўзгартириш киритиш тўғрисида Баённомани (Тошкент, 2011 йил 7 апрель) ратификация қилиш ҳақида"**ги, ҳамда **"Қайта тикланувчи энергия бўйича Халқаро Агентлик уставини (Бонн, 2009 йил 26 январь) ратификация қилиш ҳақида"**ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари шулар жумласидандир.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу ҳужжатларнинг ратификация қилиниши мамлакатимизнинг хорижий давлатлар ва халқро ташкилотлар билан муносабатларини янги стратегик босқичга олиб чиқади, кенг қамровли ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини кучайтиришга, янги бозорларни ўзлаштиришга, тўқимачилик маҳсулотлари савдосини халқро кўламда янги босқичга олиб чиқишга, шунингдек, энергия тежовчи технологияларни ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Шундан сўнг сенаторлар **Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ва Хива туманининг чегараларини ўзгартириш ҳамда Хива шаҳрини вилоят бўйсунувидеги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, Шохрисабз шаҳрини вилоят бўйсунувидеги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, шунингдек, Жиззах вилоятининг Золин ва Зарбдор туманларни чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги** масалаларни кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, мамлакат ҳукмати томонидан киритилган ушбу тақлифларнинг маъқулланиши Жиззах, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳудудлар батариб жойлаштириш ва уларни бошқариш самардорлигини тако-

миллаштиришга, маҳаллий аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашга кўмаклашадиган, туризм соҳасининг янада илдам ривожланишига туртки беради.

Сўнгра сенаторлар **Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат минтақаларига хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб этиш, туризмни ривожлантириш ҳамда Ўзбекистоннинг халқро нуфузини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги хисоботини** эшитдилар ва муҳокама қилдилар. Бу соҳада катта ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Охириги 9 ой давомида олий даражадаги 12 та ташриф ва ҳукumat делегацияларининг 460 та сафари уюштирилди, улар доирасида кўплаб инвестицион ва савдо битимлари имзоланди.

Шу билан бирга, сенаторлар ўз нутқларида Ташқи ишлар вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги ваколатхоналарининг фаолиятида жиддий камчиликлар, ўз ечимини топишни кутаётган муаммолар ва фойдаланилмаган имкониятлар борлигини қайд этдилар.

Хусусан, мамлакатимиз минтақаларига хорижий инвестицияларни ва илғор технологияларни жалб қилиш, мамлакатимиз экспортчарининг маҳсулотларини янги бозорларга олиб чиқиш бўйича ишлар етарли даражада фаоллашмади. Кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашда камчиликлар мавжуд, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг хорижий етакчи олий ўқув юртлири билан ҳамкорлиги лозим даражада йўлга қўйилмаган.

Муҳокама чоғида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг фаолиятини янада такомиллаштиришга ва ҳисоботни эшитиш чоғида қайд этилган мавжуд камчиликларни бартараф қилиш юзасидан таъсирли чоралар кўришга қаратилган бир қатор тақлиф ва тавсияларни билдирдилар. Муҳокама якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий қонунга, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регла-

менти тўғрисида"ги ва "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ сенаторлар давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжалиқларининг таъминотчи, хизмат кўрсатувчи ҳамда бошқа ташкилотлар олдидаги қарздорлигини келтириб чиқарувчи сабаблар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири **Э.Т.Миразевга** парламент сўрови юбориш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг раисини ва раиси ўринбосарини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва аъзоларини сайлаш, Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавкулдада ва мухтор элчисини лавозимга тайинлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавкулдада ва мухтор элчисини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига қарадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенатнинг ўнинчи ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самардорлигини тубдан оширишга, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурини босқичма-босқич ижро этишга қаратилган 21 масала, шу жумладан, 7 та қонун кўриб чиқилди. Сенатнинг ўнинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қарорлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини янада мустаҳкамлашнинг, аҳоли турмуш даражасини оширишнинг, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиши таъкидланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ — ЭНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шунингдек, 2017 йилда умумий қиймати 2,4 миллиард долларга тенг бўлган 170 янги ишлаб чиқариш объектлари ишга тушириш мўлжалланмоқда. Жорий йилнинг январь-апрель ойларида умумий қиймати 73,5 миллион долларлик 9 лойиҳани амалга ошириш ишлари қунлангани алоҳида қайд этилди.

Инвестиция дастурига кирмаган, давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри туманларига таширфлари давомида ишлаб чиқилган, худудлар микёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган 19 триллион 300 миллиард сўмлик мингдан зиёд йирик лойиҳалар амалга оширилаётгани, бугунги кунда уларнинг 39 таси бўйича объектлар ишга туширилгани таъкидланди.

Шу билан бирга, йиғилишда айрим тармоқлар ва худудлар раҳбарларида масъулият, талабчанлик ва ташаббускорлик етишмаётгани, бунинг оқибатида кўпгина инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилаётгани қаттиқ танқид қилинди. Жумладан, шу йилнинг биринчи ярмида 10 лойиҳа бўйича объектларни ишга тушириш муддатлари асоссиз равишда кечиктириб юборилгани, 9 лойиҳани молиялаштириш бўйича шартномалар тузиш, 10 лойиҳа юзасидан лойиҳа смета хужжатларини тасдиқлаш ишлари пайсалга солиб келинаётгани аниқ мисоллар билан

кўрсатиб ўтилди. Тармоқлар раҳбарлари ва лойиҳалар ташаббускорлари олдига ана шундай муаммоларни тезлик билан ҳал қилиш, бу борадаги қолоқлик ҳолатларини бартараф этиш қатъий вазифа қилиб қўйилди.

Давлатимиз раҳбари инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилмаслиги оқибатида замонавий объектларни ишга тушириш муддатлари кечикиши, бу эса талаб юқори бўлган маҳсулотларнинг бозорга етиб боришига, қанча-қанча одамлар, аввало, ёшларнинг иш билан таъминланишига салбий таъсир кўрсатишини таъкидлаб, бундай ҳолатларга йўл қўйган мутасадди раҳбарларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши ҳақида огоҳлантирди.

Йиғилишда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги сусткашлик сабабларидан бири энг қуйи тизимда, яъни, ташаббускор тузилмалар ва лойиҳа институтлари даражасида тегишли хужжатлар етарлича пухта ишлаб чиқилмаслиги билан боғлиқ экани қайд этилди.

Ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллардан аён бўлмоқдаки, айрим истиқболсиз лойиҳаларни Инвестиция дастурига киритиш ҳолатлари мавжуд бўлиб, уларнинг молиялаштириш манбалари ва мақсадли стратегияси аниқ белгиланмаган, қутилаётган натижалар бўйича зарур ҳисоб-китоблар ишлаб чиқилмаган.

Шу муносабат билан давлати-

миз раҳбари томонидан тегишли вазирлик ва идораларга икки ой муддатда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Инвестиция дастурини шакллантириш ва уни амалга ошириш, истиқболли инвестиция лойиҳалари базасини яратиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш ҳақида топшириқлар берилди.

Бу борада келгуси йил учун мўлжалланган Инвестиция дастурига фақат пухта ишлаб чиқилган, лойиҳа-смета хужжатлари тайёр ва молиялаштириш манбалари аниқ бўлган инвестиция лойиҳаларини киритишга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва худудлар раҳбарларининг истиқболли лойиҳаларни шакллантириш сифати учун шахсий жавобгарлиги ва масъулиятини ошириш лозимлиги қайд этилди. Бу борада ҳар бир раҳбар ўз тармоғи ёки худудини ривожлантириш бўйича аниқ устувор йўналишлар ва вазифаларни, келгуси йилларда қандай лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини ҳар томонлама чуқур билиши, яққол тасаввур қилиши шарт.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан янги

назорат механизмни жорий этиш бугунги кун талабига айланиб бораётган долзарб вазифа эканини таъкидлади. Ана шу механизм асосида Иқтисодиёт вазирлиги ҳар бир лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишларни мунтазам мониторинг қилиб, унинг натижалари тўғрисидаги ҳафталик ахборот ва тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориши керак, деди давлатимиз раҳбари.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар ҳафта тегишли тармоқлар раҳбарлари билан мавжуд муаммолар ва қоқоқлик сабабларини муҳокама қилиб, уларни бартараф этиш, лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш юзасидан тегишли чоралар кўриши лозим. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси Бош прокуратура ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда ҳар ойда икки марта амалга ошириш жараёнида қандайдир муаммо пайдо бўлаётган лойиҳалар бўйича муҳокамалар ўтказиб, уларни амалий жиҳатдан ҳал этиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар, ҳокимликлар раҳбарларининг ҳисоботлари, тақлифлари эшитилди ва муҳокама қилинди, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

ЎЗА

"Чет тилини психологик зўриқишларсиз ўрганишимиз"

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитишнинг янги механизми жорий этилиб, ўғил-қизларнинг билим ва малакаси сезиларли даражада ортмоқда. Мактабимизда ҳам ўқувчиларнинг чет тилларни ўрганишига қизиқиши йилдан-йилга ошиб бораёпти. Яқинда инглиз тилида "Келажакда қайси касбни эгаллайман?" мавзусида ишчи ёзбордим. Ўқувчиларимнинг ақсарияти катта марраларни кўзлаётгани мени мамнун этди.

Бошланғич синф ўқувчиларига дарс берганим боис чет тилларни ўргатишнинг психологик жиҳатларига жиддий эътибор қаратаман. Бу эса, аввало, нутқни шакллантиришни, кўникма ва малака ҳосил қилишни, шахснинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишни тақозо этади. Ўқувчилар учун мантикий хотирадан кўра, кўргазмалли ва ҳаракатли хотира қизиқарли туюлади. Улар грамматик қоидаларни эмас, балки, воқеа-ҳодисаларни ва образларни яхшироқ эслаб қолади.

Тил ўргатишнинг ҳар бир босқичида лексик бирликларни танлаш муҳим аҳамиятга эга. Айна жараёнда ўқитувчи турли технологиялардан фойдаланиши мумкин. Масалан, йил фаслла-

ри — қиш, баҳор, ёз ва куз манзаралари тасвирланган расмлар воситасида ўқувчилар тасаввурини кенгайтиришга, гап тузишни ўргатиш орқали нутқини ўстиришга, талаффузини яхшилашга эришяпман. 1-2-синфда ўқувчининг мантикий хотираси шаклланади, 3-4-синфда эса қуйи синфларда белгиланган талаблар асосида инглиз тилига оид бошланғич билим, малака ва кўникмаларни эгаллайди. Ушбу босқичда тинглаб тушуниш, матндаги энг зарур тушунчаларга эътибор берилди ва ёзув малакасини ривожлантириш машқларини бажара олади.

Дилдора МИРЗАЕВА, Сергелёв туманидаги 300-ИДУМнинг инглиз тили ўқитувчиси

Тренер-ўқитувчилар тайёрланмоқда улар таълимдаги янгиликларни ҳамкасбларига етказида

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" ҳамда "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлар умумтаълим тизими истиқболлида муҳим аҳамиятга эга. 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб мазкур қарорлар талаблари бажарилишига киришилди. Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институтида таълим тизими ходимлариغا ушбу ҳуқуқий хужжатлар мазмун-моҳиятини тушунириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди.

Ўқув курсининг очилишига бағишланган тадбирда Халқ таълими вазири У.Иноятов сўзга чиқиб, мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасини такомиллаштириш ишлари янги босқичга чиққани, бу борада кенг кўламли ишлар олиб борилаётганига тўхтади. Тадбир давомида компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС мақсади, вазифалари, асосий принциплари, таркиби қисмлари, жорий этиш ва назорат қилиш тартиби, таянч ва фанга оид умумий компетенцияларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг танланишига оид маърузалар тингланди.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини амалиётга

самарали жорий этишга бағишланган каскад усулидаги мақсадли ўқув курслари шу йилнинг 29 май — 1 июнь кунлари олиб борилиб, бунда 20 та умумтаълим фани бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 2 нафардан жами 588 нафар энг илгор педагог-ўқитувчилар тренерликка тайёрланди.

— Тренер-ўқитувчилар худудий ХТХҚТМОИ-да ёки таянч мактабларда туман(шаҳар)лардаги 1 нафар методист, 2 нафар ўқитувчига, улар худудидagi умумтаълим муассасаларининг методбирлашма раҳбарлари ва 2 нафар фаол ўқитувчисига янгиликларни таҳлилий асосда етказида, — дейди Республика таълим маркази бош методисти Нарзиқул Турдиев. — Шу тариқа республикамиздаги барча умумтаълим муассасасида фаолият юритаётган ўқитувчилар янги ДТС ва ўқув дастурларининг мазмун-моҳияти ҳамда 2017-2018 ўқув йилида жорий этиладиган янгиликлардан хабардор бўлади.

Мақсадли ўқув курслари давомида ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари, компетенциявий ёндашувга асосланган ўқув дастурларига киритилган ўзгаришлар ва у асосида тақвим-мавзу режалар тузиш каби йўналишларда машғулотлар олиб борилмақда.

Илҳом ЖўРАЕВ, Зилола МАДАТОВА, "Ma'rifat" мухбирлари

Ижодий учрашув

Республика илмий-педагогика кутубхонасида Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ХТХҚТМОИнинг бир гуруҳ тингловчилари иштирок этди.

— Малака ошириш жараёнида мана шундай маънавий-маърифий учрашувларнинг ташкил этилиши айна мудоаа. Шоирнинг мутолаа маданияти,

китобхонликнинг фойдали жиҳатлари хусусида билдирган фикрлари кўпчиликка манзур бўлди, — дейди Учтепа туманидаги 38-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Диллафруз Хайитова. — Гуруҳи-

миздаги тингловчилар билан мактабларимизда ҳам шундай ижодий учрашувларни кўпайтиришга, улар воситасида китобхонликни тарғиб этишга келишиб олдик.

Тадбир давомида Иқбол Мирзонинг болажонлар учун ёзилган кичик шеърлари жамланган "Эркатой эрка тойлар" китоби тақдими ҳам ўтказилди.

Д. ДУСТБЕКОВ, "Ma'rifat" мухбири

2017-yil 31-may, № 43 (9004)

Юксак тараққиётга мустақкам пойдевор



Munosabat

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишларни янги bosqichga кўтаришга хизмат қилмоқда.

Қарордан кўзланган асосий мақсад — олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимли йўлга қўйиш, педагог кадрларнинг соҳага оид замонавий ютуқлардан ўз вақтида хабардор бўлишига эришиш, пировардида, талабаларнинг чуқур билим олиши учун муносиб шарт-шароит яратишдир. Қарорнинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири, олий малакали мутахассисларни тайёрлашда халқаро стандартларга риоя қилиш, замонавий талабларга мос, юксак билим ва салоҳиятга эга кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилганидир.

Республика олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган аксарият кадрларнинг илмий-педагогик салоҳияти, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни ўқитиш бўлими бугунги давр талаблари даражасида эмас. Бу, ўз навбатида, ривожланган

мамлакатларнинг нуфузли таълим муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро тажрибанинг илғор усул ва йўналишларини татбиқ этишга ҳов бўлмоқда. Шунинг учун ҳам қарорда олий таълим жараёнига илғор халқаро тажрибани кенг жорий этиш, етакчи хорижий турдош илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш борасидаги ишларни янги bosqichga олиб чиқиш вазифаси белгиланган.

Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ушбу жараёнда таълим тизимини, хусусан, олий таълимни такомиллаштиришга нисбатан оқилона ёндашувларни топиш йўлидаги изланишларнинг аҳамиятини янада кучайтиради. Шунингдек, мамлакатимиздаги ҳар бир олий ўқув юртининг турдош хорижий етакчи илмий тадқиқот муассасалари билан

яқин ҳамкорлик қилиши халқаро таълим стандартларига мос бўлган педагогик технологиялар, таълим дастурлари, ўқув-методик материаллар билан танишиш, уларни ўзимизда қўллаш имкониятини яратди. Республикаимиз олий таълим тизимининг илмий-педагогик фаолиятига ҳар йили 350 нафардан ортиқ хорижлик педагог ва олимларнинг жалб этилиши, ўз навбатида, таълим сифатини оширади ҳамда илмий фаолиятни мустақкамлайди.

Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Олий таълим тизимини 2017—2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури ҳам тасдиқланган. Унга кўра, 48 олий ўқув юртида 180 ўқув, илмий лаборатория биноси, спорт иншооти ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаси объектида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, 53 олий таълим муассасасидаги 400 ўқув лабораториясини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, 7 олий ўқув юртида ҳамкорликда фойдаланиладиган илмий лабораторияларни ташкил этиш режалаштирилган. Бу-

нинг учун 1,7 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилаётгани бу борадаги ишлар кўлами нақадар кенглигини кўрсатади.

Қарорнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, олий ўқув юрти битирувчиларини PhD дастури ва хорижий магистратура дастурлари асосида ўқитишни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Таълим тизимига хориж дастурларининг татбиқ этилиши, биринчи навбатда, таълим сифатининг ошишига сабаб бўлади. Қолаверса, халқаро стандартларга мос мутахассислар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Битирувчилар олаётган дипломлар эквивалентлигини оширади, яъни хорижда ҳам бирдек тан олинади.

Мамлакатимиз раҳбарининг сайловолди дастурида олий таълим тизимини сифат жиҳатидан янги bosqichga кўтариш, илм-фан намояндалари, захматқаш олимлар учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш, малакали мутахассисларни тайёрлаш, яна ахборот технологиялари бозоридан муносиб ўрин эгаллаш масаласи устувор вазифалардан бири сифатида эътироф этилган эди. Президентимиз ташаббуси билан ушбу қарорнинг қабул қилиниши мазкур

устувор вазифалар ечимида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Барча ривожланган давлатларни модернизациялаштириш жараёнида технология, инновация, таркибий ўзгаришларнинг илмий-таҳлилий, дастурий асослари аксарият ҳолларда йирик университетлар, марказлар, технопарклар негизда яратилади ёхуд умумлаштирилади. Шу маънода мамлакатимиз олий таълим муассасаларида замонавий ўқув ва илмий лабораторияларнинг ташкил этилиши, мавжудларнинг такомиллаштирилиши тараққиётимизни жадаллаштирадиган ишланмалар тайёрлаш, амалиётга татбиқ этиш имконини беради. Бу эса бугунги кунда энг муҳим, чекланмаган стратегик ресурс ҳисобланган интеллектуал салоҳиятдан унумли фойдаланиш коэффициентини оширади. Юксак технологик жамиятларга етиб олиш учун мустақкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Н.ОБЛОМУРОВОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор
Ф.ОДИЛОВ,
А.ХОЛБЕКОВ,
Тошкент молия институтининг
тадқиқотчилари

Янгича қамров механизми

9-синф битирувчиларини меҳнат бозорида талабгир мутахассисликлар бўйича тайёрлашга хизмат қилади

Меҳнат бозорини яхши ўрганмай туриб, мутахассис тайёрлаш қандай оқибатларга олиб келиши маълум. Бу, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришда аққол кўзга ташланмоқда. Чунки ҳудудлардаги касб ва ихтисосликларга бўлган реал эҳтиёж чуқур таҳлил этилмасдан тайёрланган кичик кадрларнинг айримлари ишга жойлашишда қийинчиликка учрамоқда.

Ҳар йили анъанавий тарзда янги ўқув йили олдидан умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори эълон қилинади. Бу йил эса ушбу масаланинг долзарблиги ва аҳамияти янада оширилиб, тегишли вазирликлар, ҳокимлик ва идоралар зиммасига бу борадаги вазифалар Республика Президентини қарори билан юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги «2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорининг муҳим жиҳатларидан бири Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича ҳар бир академик лицей ва касб-хунар коллежга ўқишга қабул қилиш параметрларини тасдиқлаш мuddати бир ой этиб белгиланди. Ававалги йилларда эса мuddат икки hafta бўлиб, масалани пухта ўрганиш учун бу камлик қиларди. Ҳозир таълим муассасалари ва касблар бўйича қабул кўрсаткичлари ишлаб чиқилмоқда. Яна бир аҳамиятли томони, қарорда мактаб битирувчиларини касбга йўналтириш ишлари алоҳида эътибор қаратилгани бўлди. Келгусида масъул вазирлик ва идоралар томонидан 9-синф битирувчилари ва уларнинг ота-оналари билан ўқувчиларнинг қизиқиш ва лаёқатларига мувофиқ таълим йўналишлари ва касбларни олиб танла-

шини, уларнинг ишга жойлашишини, шунингдек, касбга йўналтириш ишларининг шакл ва усуллари, сифат даражасини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳисобидан тизимли касбга йўналтириш ишлари амалга оширилиши таъминланади. Бу бўйича Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тизимли касбга йўналтириш ишлари дастури ишлаб чиқирилиш кўзда тутилди. Шу билан бирга, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўлиқ қамраб олишнинг аниқ механизми кўрсатиб ўтилди. Айниқса, қизларнинг келгусида эгаллайдиган касб ва ихтисосликлари бўйича истикболдаги доимий иш ўринларини тайин қилиш, жумладан, оилавий тадбиркорлик, қасаначилик, хунармандлик, шахсий томорқа ҳўжалиги ва бандликнинг бошқа турларини ривожлантириш ҳисобига янги ташкил этиладиган иш жойларини белгилаш юзасидан масъул раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги белгиланди. Қарор ижросининг таъминлаши натижасида ҳар бир туман ва шаҳарда шахсан ҳоким раҳбарлигида 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қамраб олиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш бўйича ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳ таркибига ХТМФМТТЭБ мудирлари, хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, статистика бўлимлари вакиллари киритилади.

Бу йил 467019 нафар ўқувчи умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлайди. Мазкур қарорга кўра, битирувчиларнинг 25072 нафари академик лицейларга, 441947 нафари касб-хунар коллежларига қабул қили-

ниш кўзда тутилган. Албатта, келгуси ўқув йилида касб-хунар коллежларига қабул қилинган ўқувчилар уч йилдан сўнг мутахассис дипломини кўлга киритгач, ўз меҳнат фаолиятини бошлаши талаб этилади. Ёш мутахассисларнинг муваффақиятли ишга жойлашиши эса реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда республика ҳудудларининг ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари, касблари ва ихтисосликлари бўйича кичик мутахассисларга бўлган талаби нечоғлиқ ўрганилганига боғлиқ.

Ҳозирги кунда ҳудудларда янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш, уларни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича истикболда мўлжалланаётган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари асосида ҳар бир шаҳар ва туманда 2020 йилда янги иш ўринларини яратиш юзасидан ҳисоб-китоблар асосида дастур ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, касб-хунар коллежга ўқишга кирган кундан бошлаб, келгусида ўқувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича тўлиқ ишга жойлашишни таъминлаш учун ташкилотларга бириктириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва тақлифнинг мувозанатини танқидий таҳлил қилиш асосида 2017-2018 ўқув йилида 20 та касб-хунар коллежи қайта ихтисослаштирилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 14 мартдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори академик лицейларда ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш, бу масканларда таълим олиш учун умумтаълим мактабларининг энг қобилияти битирувчиларини саралаб олиш, ёшларнинг ўзлари танлаган касб ва мутахассисликларни эгаллашга бўлган орзу-интилишларига эришмоғи учун янада кенг шароитлар яра-

тиш каби аниқ мақсадларга йўналтирилгани билан аҳамиятли. Дарвоқе, академик лицейларни ҳар йили ўртача 35 минг нафар йигит-қиз битириб чиқади. Уларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш натижалари пастлиги эса тизимдаги огриқли нуқта. Қарорда олий таълим муассасаларидан узоқда жойлашган, таълим сифати ва битирувчиларининг институт ва университетларга ўқишга кириш кўрсаткичлари паст бўлган 54 та академик лицей бўсқичма-бўсқич касб-хунар коллежларига айлантирилиши кўзда тутилган. Янги ўқув йилида ана шундай таълим масканларининг 18 таси касб-хунар коллежларига айлантирилади.

Бундан ташқари, бандлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳалигача эскирган иш шакллари ва услубларидан фойдаланиш, меҳнат бозоридаги ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиш ҳоллари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга юзаси ёндашув ҳолатлари учраётган эди. Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги «Бандлик соҳасида давлат сифатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Эндиликда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқувчиларига солиқ тўловчининг индивидуал рақами мажбурий тарзда берилиб, ўз навбатида ижтимоий сугурта бўйича амалга оширилган тўловлар асосида банд бўлмаган битирувчиларни аниқлаш ва уларни иш билан таъминлаш борасидаги муаммоларни тезкор ҳал этиш имконини беради.

Шерзод КАРИМОВ,
Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга қабул режасини шакллантириш бошқармаси бошлиғи

Хар бир болага меҳр ва эътибор

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сирдарё вилоятидаги болалар шаҳарчасидан келган ўғил-қизларга ҳам мазкур истироҳат боғи манзур бўлди. Улар тарбиячилари бошчилигида мароқли дам олиб, ёзги таътилда ёрқин таассуротларга эга бўлди.

— Шаҳарчамизда истиқомат қилаётган 83 нафар бола ўн та оилага бўлинган. Хар бир хонадон "Камалак", "Бинафша", "Арслон", "Фунча", "Қувонч" каби номлар билан аталади. "Пахлавон" деб номланган хонадонимизда етти нафар бола яшайди. Улар тарбиячиларни она, бир-бирини ака-ука, опа-сингил дея эъозлайди, — дейди тарбиячи Раъно Шерматова. — 2009 йилда ташкил этилган шаҳарчамизда барча шароитлар муҳайё. Болалар шаҳарча яқинидаги 16— ва 2-уму таълим мактабларида таълим-тарбия олади. Таътилни мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган ҳафталик болалар-



га қувонч бағишлади. "Sen yolg'iz emassan" жамоатчилик болалар жамғармаси ҳам "Локомотив" истироҳат боғида ўтказиладиган байрам тadbирига таклиф этди. Юртимизда ёш авлодга бундай эътибор ва ғамхўрлик фақат 1 июнь арафасида эмас, балки ҳамиша, хар жойда кўрсатилмоқда.

— "Баҳайбат тўлқин", "Саккизоёқ", "Чархпалак", "От ўйини" каби аттракционларда учиб, маза қилдик, — дейди болалар шаҳарчаси тарбияланувчиси Роман Музафаров. — "Африка сафари" ўйин майдончасини айланиб, эртақлар оламига саёҳат қилгандек бўлдик. Акция, кўرғазма ва викториналарда иштирок этишнинг ўзига яраша завқи бор. Ёзги таътилда ўтказиладиган бундай тadbирлар янги ўқув йилига муносиб тайёргарлик қуришимизга замин яратади.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ташаббуси билан ўтказиладиган "Хар бир болага меҳр ва эътибор!" шiori остидаги ҳафталик тadbирлари давом этмоқда.

Хасан МҮМИНОВ,
"Ma'rifat" мухбири
В.ГРАНКИН
олган суратлар.



Илғор тажрибалар ўртоқлашилди

Қибрай молия-иқтисодий коллежида муассасанинг "Аниқ фанлар" кафедраси ҳамда Тошкент давлат педагогика университети "Умумий математика" кафедраси ҳамкорлигида "Математикани ўқитишнинг долзарб муаммолари" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Тadbирда ёшларга қаратиладиган юксак эътибор ва яратилаётган қулай шароитлар тўғрисида юртимиз ўғил-қизлари турли фанлар қатори математика бўйича ҳам ўз истеъдод ва салоҳиятини тўла намойён этиб, юксак марраларга эришаётгани таъкидланди.

— Маърузаларда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида фани ўқитиш методикаси билан боғлиқ муаммоларга университет

профессорлари томонидан турли ечимлар таклиф этилди, — дейди коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари С.Қурбонова. — Самарали ўқитиш бўйича илғор тажрибалар ўртоқлашилди. Семинар иштирокчилари томонидан коллежда ташкил этилган очик дарсларнинг ютуқ ва камчиликлари муҳокама қилинди. Коллеж аудиториясига эндигина кириб келаётган ёш мутахассисларга методик ёрдам кўрсатиш, қолаверса, коллеж ўқитувчилари ва олий таълимда фаолият олиб бораётган педагоглар ўртасида устоз-шогирд муносабатларини янада такомиллаштириш борасида ўзаро келишиб олинди.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Бугungi кунда мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсон этиб вояга етказиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Аммо ёшлар ўзининг қонуний ҳуқуқ ва бурчларини, маънавий масъулиятини қай даражада англайди?

Бир неча йиллардан буён умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасидаги "Хуқуқ билимдонлари" ва олий ўқув юрти талабалари орасида ўтказиб келинаётган "Тафаккур синовлари" каби кўрик-танловларда ёшларнинг чиқишларини кузатар эканмиз, йилдан-йилга уларнинг билим савияси ўсиб, қонунарларга нисбатан хурмат туйғуси ошиб бораётганини

Ёшлар — жамият ишончи ва таянчи

кўрамыз. Уларнинг хорижий тилларда ҳам ўз фикрини эркин ифода этаётгани, давлатимиз қонунларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан солиштириб ўрганаётгани қувонарли.

Бундан ташқари, олий таълим муассасалари талаба-ёшлари ўртасида "Конституция — менинг тақдиримда", "Конституция — давлат пойдевори", "Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик", "Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари", "Соғлом бола — мамлакат таянчи" мавзуларида маърифий тadbирлар ва рефератлар танловларининг ташкил этилиши ҳам уларнинг ўз устида ишлашига туртки бўлмоқда.

Она юртини, халқини севган авлод ҳеч қачон иймонини, виждонини сотмайди. Шу мақсадда бугунги кундаги маънавий-маърифий муҳитни янада барқарорлаштириш, аҳоли, айниқса, ёш авлодни турли бузғунчи ғоя ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, хушёрлик ва огоҳликка даъват этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда "Жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот хуружларига қарши кураш самарадорлигини ошириш" ва "Хушёрлик ва огоҳликка барчамиз масъ-

Хабарнома

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ёш авлодга сифатли таълим-тарбия беришда фидокорона хизмат қилаётган ўқитувчи ҳамда мураббийларни рағбатлантириш, амалий фанлар таълимини такомиллаштириш йўналишида олиб борилган ишларни сарҳисоб қилиш, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сонли, 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 187-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, янгидан тасдиқланган давлат таълим стандартларини амалиётга жорий этиш, амалий фанлар таълими сифат ва самарадорлигини ошириш, мустақиллик йилларида ўқитувчилар обрў-эътиборини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, кенг қўламли ислохотлар, қўлга киритилган ютуқларнинг тўб моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида **2017 йилнинг 4-5 июль кунлари "Амалий фанларни ўқитиш ва ўқув-тарбия жараёнининг сифат ва самарадорлиги: муаммолар ва ечимлар" мавзусида амалий фанлар ўқитувчилари форуми ўтказилади.**

Форум мусиқа маданияти, тасвирий санъат, технология, жисмоний тарбия фанларини ўқитишнинг ҳамда умумтаълим муассасаларида психологик хизмат кўрсатишнинг долзарб масалалари йўналишларида иш олиб боради.

Форум материаллари тўплам ҳолида чоп этилиши режалаштирилган.

Форумнинг расмий тили: ўзбек, рус ва инглиз тиллари.

Маъруза тезислари матнларини тайёрлаш бўйича талаблар:

1. Тезисларда форум йўналишида мақола мавзуси, қисқача аннотация, муаллиф манзили, электрон почтаси ҳақида маълумот берилиши керак.

2. Матнлар Microsoft Word матн муҳаррири ёрдамида, Times New Roman шрифтида, 14 ўлчамда, А4 формат қоғозда, 1,5 интервалда, юқори ва пастдан 2 см, ўнгдан 1,5 ва чапдан 3 см қолдирилган ҳолда тайёрланиши лозим.

3. Матн сарлавҳасининг ост қисмида муаллиф(лар)нинг исми-фамилияси, отасининг исми, илмий даражаси, иш жойи кўрсатилиб, сарлавҳадан сўнг бир интервал ташлаб асосий матн келтирилади.

4. Тезислар ҳажми А4 форматда 2 ёки 3 саҳифадан ошмаган ҳолда электрон вариантда **2017 йил 20 июнга** қадар ташкилий кўминга етказилиши лозим.

Кўйилган талабга жавоб бермайдиган мақолалар чоп этилмайди ва қўлёзмаси қайтарилмайди.

Форум ишида Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиқларининг профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилари, методистлари ҳамда таълим муассасаларининг амалий фан ўқитувчилари, психологлари иштирок этади.

E-mail: uzpfitikonf@xtv.uz

Мурожаат учун телефон рақамлари: (0-371)140-02-26, **факс:** (0-371) 140-02-26, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тadbир институти.

Ташкилий кўмита

Аброр БЕРДИЕВ,
Тошкент шаҳар адлия
бошқармаси ходими

2017-yil 31-may, № 43 (9004)

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва усуллари жорий этиш кўзда тутилган.

Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизими равишда олиб борилмоқда. Жумладан, вазирликнинг 2016 йил 3 декабрдаги 489-сонли буйруғига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг виртуал қабулхонаси — vazir.edu.uz сайти ишга туширилди. Шунинг

қабул, хат ҳамда телефон орқали келиб тушади, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг биринчи ўринбосари Ином Мажидов. — Ҳар бир мурожаатда кўтарилган масалалар ечимини топиш бўйича ўз вақтида тегишли чоралар кўрилмоқда. Мурожаат муаллифига жавоб хати юбориш таъминланмоқда. Билдирилган муаммоларни ҳал этишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга

2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatlarini yili

жаат этувчилар сонидан ҳам акс этади.

— Шу йилнинг 25 май ҳолатига кўра жисмоний ва юридик шахслардан 3255 та мурожаат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентини виртуал қабулхонасидан 2295 та мурожаат келиб тушди, — дейди вазирликнинг нazorat ва мониторинг бошқармаси бошлиғи Роман Аллаберганов. — Уларда кўтарилган масалаларнинг аксарияти олий таълим муассасалари фаолиятига оид бўлиб, талабалар тураржойларига жойлашиш, рейтинг назоратини қайта топшириш, қабул жа-

Мурожаат этувчи абириентларга қабул жараёнини ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра бундай имтиёзлар кўзда тутилмагани бўйича батафсил тушунтириш берилмоқда.

Муҳими, мурожаатларга имкон қадар тезроқ жавоб қайтаришга ҳаракат қилинмоқда. Масалан, мамлакатимизнинг энг чекка худудларидан бўлган Мўйноқ туманидан вазирлик виртуал қабулхонасига хат йўллаган Айнура Иниязова ўз мурожаатига бир кунда жавоб олди.

зирилиги виртуал қабулхонасига диплом нусхасини электрон почтадан, кейинчалик асл нусхани яқин қариндошларимдан бири орқали олишимга ёрдам берилишини сўраб хат йўлладим. Тез орада ижобий жавоб олдим. Фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ҳал этишга қаратган эътибори учун давлатимиздан миннатдорман.

Қорақалпоқ давлат университети техника факультети 1-курс талабаси Амангул Алламуратова талабалар тураржойига жойлашишда муаммага дуч келади. Ижарада туриш оиласининг иқтисодий шароитларига тўғри келмагач, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига мурожаат қилади. Қисқа вақт ичида унинг шикояти ўрганилиб, кимё-технология факультети талабалар тураржойидан ўрин ажратилди.

Олтинсой туманида истиқомат қилувчи Алихон Раҳимов тиббиёт бирлашмаларида фаолият юритаётган шифокор ва ҳамшираларнинг беморларни менсимаслиги, таъмағирлигидан шикоят қиларкан, тиббиёт таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларга эътиборни ошириш таклифини илгари суради. Бунга жавобан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тиббиёт олий таълим муассасаларида маънавий муҳитни соғломлаштириш масаласини ўрганиб, ташкилий-амалий чораларни кучайтирди.

Айни кунда ҳокимиятнинг барча бўғинларида халқ фикрига олий ҳақиқат сифатида қаралмоқда. Фуқароларнинг мурожаатларида энг кўп акс этган масалалар таҳлили тизимдаги бўшлиқлар, бюрократик тўсиқларни аниқлаш, муаммоларни бартараф этишга ҳизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Санобар ЖУМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Мурожаат йўллашнинг тезкор ва самарали тизими

юртдошларимизнинг мушкулини осон қилиб, фаол фуқаролик позициясини кучайтирмоқда

дек, "10-06" қисқа телефон рақамли "ишонч телефони" ишляпти. Мурожаатлар билан ишлашни самарали ташкил этиш мақсадида вазирлик раҳбарияти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жисмоний ҳамда юридик шахслар учун сайёр қабуллар ўтказилмоқда. Тизимда фаолият кўрсатаётган ходимлар, професор-ўқитувчилар ва талабалар томонидан уларнинг ҳал этилмаган масала, муаммо, ариза, шикоятлари ва олий таълим тизимини ривожлантиришга оид таклифлари бевосита Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ягона давлат интерактив хизматлари портали ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига йўлланмоқда.

— Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига мурожаатлар шаклига кўра виртуал қабулхона, бевосита

мувофиқ тушунтириш олиб бориш, зарур бўлганда жойларга чиқиб муаммони ўрганиш, фуқаронинг ўзи билан суҳбатлашиш ҳамда тегишли таълим муассасаси, ташкилот билан ҳамкорликда мурожаат этувчига ёрдам кўрсатиш механизми жорий этилган.

Мурожаатлар билан ишлашнинг навбат кутиш, эшикма-эшик сарсон юришдан холи, қулай, тезкор, самарали тизими фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш билан бир қаторда, уларда фаол фуқаролик позициясини, дахлдорлик ҳиссини кучайтирмоқда. Илгари салбий маънода тушунилган "аризабозлик" эндиликда, зарур ҳолларда, юқори ташкилотларга мурожаат қилиш орқали ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини танишининг бир кўриниши сифатида қабул қилинмоқда. Халқимиз онгу тафаккурида келатган янгилашлар муро-

раёнига оид саволлар, ўқишни тиклаш, олий таълим тизимига тааллуқли маълумотларни олиш қабилардан иборат. Мурожаатларни кўриб чиқишда қонун талабларига оғишмай амал қилиш ҳамда қонун бузилишига йўл қўймаслик мақсадида ҳар ҳафта вазирлик аппарати кенгаши йиғилишларида мурожаатлар бўйича ижро интизомининг жорий ҳолати танқидий муҳокама қилинмоқда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг олий таълим муассасаси фаолиятига оид мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида барча олий таълим муассасалари ректорларининг виртуал қабулхоналари ташкил этилди.

Аксарият мурожаатларда ёшлар ижтимоий аҳволини инобатга олган ҳолда олий таълим муассасасига қабул жараёнида маълум имтиёзлар берилишини сўраган.

— 2014 йили Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тугатганман, — дейди Айнура. — Давлат гранти асосида ўқиганим учун битирганимда диплом эмас, дипломдан кўчирма нусха берилиши керак эди. Уша пайтда институт маъмурияти диплом нусхаси 2 ҳафтадан сўнг тайёр бўлишини маълум қилган. Оилавий аҳволим сабабли диплом нусхасини олмасдан уйга қайтишимга тўғри келди. 2014 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб институт йўлланмасига кўра Мўйноқ туманидаги 1-мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлай бошладим. 2016 йил 17 сентябрдан тугруқ таътилига чиқдим. Мактаб маъмурияти бу йил февраль ойида мендан институт дипломини сўради. Ҳозир бола парварши билан бандман. Тошкентга бориб келишга шароитим йўқ, Олий ва ўрта махсус таълим ва-

Замонавий Знё маскани

Бухоро давлат университетининг ахборот-ресурс маркази 493 минг 280 дан зиёд китоб фондига эга.



Марказда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш учун барча шароит яратилган. Ўқув ва бадиий адабиётлар, даврий матбуот нашрлари, электрон қўлланмалар талабалар ихтиёрида.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши ижроси доирасида китобхонлиқни тарғиб қилувчи кўрик-танловлар, маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ташкил этилмоқда.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



Азалдан бир дарёдан сув ичиб, кўни-кўшни бўлиб яшаб келаётган ўзбек ҳамда туркман халқларининг қалблари муштарақ — тили ва урф-одатлари яқин, маданияти уйғун, адабиёти ва санъати ҳамоҳанг. Туркман халқи Алишер Навоий ғазалларини севиб ўқиганидек, ўзбеклар ҳам Махтумқулини ўз шоиридек ардоқлайди.

Асрлар давомида тинч-товуқликда яшаб келган кўшни ва қондош ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги муносабатлар мустақиллик йилларида янада ривожланди. Бугун ҳам Ўзбекистон — Туркманистон ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорлик янги босқичда изчил тараққий этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу йил 6-7 март кунлари Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг тақлифига биноан давлат таширифи билан ушбу мамлакатда бўлди. Ташириф доирасида имзоланган Қўшма баёнот, икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодий, қишлоқ ҳўжалиги ва кимё саноати, темир йўл транспорти, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлики, ҳудудлараро алоқаларни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзолангани бунинг аққол мисолидир.

Азалий дўстликнинг янги тантанаси

олишиди, янги дўстлар орттиришиди, юртимизга бир олам таассуротлар билан қайтиб келишиди. Биз мураббийлар, ўқувчилар ва ота-оналарнинг сафар таассуротлари билан қизикдик.

"Бир-биримизни таржимонсиз тушундик"

Шайдохон ОТАХОНОВА, Хоразм вилояти Хонқа туманидаги 26-мактаб ўқувчиси:

— Тенгдошларим билан Туркманистоннинг энг сўлим гўшаси — "Аваза" миллий сайёҳлик зонасидаги "Даянч" оромгоҳида бўлдим. Биз у ерда туркманистонлик тенгдошларимизга миллий санъатимизни намойиш этганимизда, куй-қўшиқларимиз, рақсларимиз уларга жуда ёқди. Янги дўстлар орттирдим. Энг асосийси, биз бир-биримизни таржимонсиз тушундик. Қардош тенгдошларимизга юртимизда ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар, муҳтарам Президентимиз раҳнамоллигида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида гапириб берганимизда, ҳавас билан қарашди. Турли нуфузли халқаро мусика ва спорт танловлари, халқаро фан олимпиадаларида ўзбек ёшларининг муваффақиятли иштирок этаётгани, ўзбек ёшларининг ютуқларини ҳавас билан эътироф этишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев оромгоҳга ташириф буюрганида туйган хиссиётларимни сўз билан таърифлаб беролмайман. Ҳаммамиз ҳудди отаси келган болалардек хурсанд бўлдик, қувончдан ичимизга сиймай кетдик. Бахтимиз ва икболимиз учун жон куйдирган, ўқиб ўрганишимиз, ҳаттоки дам олишимиз учун шароит яратиб бераётган Президентимизга

қандай миннатдорлик билдириш ҳақида ўйлардик.

Биринчи марта Ватандан узоқда бўлишим. Она юрт соғинчи, Ватанни кўмсаб деган сўзларни фақат китобларда ўқигандим. Илк мартабу туйғуларни хис қилдим. Кўёшнинг заррин нурларида мавжланиб турган Каспий соҳилларида мириқиб кезаётган дамларимда ҳам юртимни соғиндим. Шунда шоир бежиз "Римни алишмасман бедапоянга" деган сатрларни битмаганига амин бўлдим. Мен ўзбекистоннинг оддий қизи сифатида юртимда бир олам орзулар ва шижоат билан аҳд қилдим: бор кучим ва билимим билан муқад-

дас Ватаним равнақи йўлида хизмат қиламан. Ўз боласидек яхши кўриб, ғамхўрлик қўрсатётган инсонлар ишончини оқлаш учун ёшлик шижоатимни аямайман.



дас Ватаним равнақи йўлида хизмат қиламан. Ўз боласидек яхши кўриб, ғамхўрлик қўрсатётган инсонлар ишончини оқлаш учун ёшлик шижоатимни аямайман.

"Қизим Ватани билан фахрланади!"

Зулхумор ҚУРБОНОВА, Бухоро вилояти Коровулбозор туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Нигора Раҳматдинованинг онаси:

— Қизим бир гуруҳ тенгдошлари қатори сафардан қайтиб келганда туйган хиссиётларимни сўз билан таърифлаб беролмайман. Ҳаммамиз ҳудди отаси келган болалардек хурсанд бўлдик, қувончдан ичимизга сиймай кетдик. Бахтимиз ва икболимиз учун жон куйдирган, ўқиб ўрганишимиз, ҳаттоки дам олишимиз учун шароит яратиб бераётган Президентимизга

қандай миннатдорлик билдириш ҳақида ўйлардик. Биринчи марта Ватандан узоқда бўлишим. Она юрт соғинчи, Ватанни кўмсаб деган сўзларни фақат китобларда ўқигандим. Илк мартабу туйғуларни хис қилдим. Кўёшнинг заррин нурларида мавжланиб турган Каспий соҳилларида мириқиб кезаётган дамларимда ҳам юртимни соғиндим. Шунда шоир бежиз "Римни алишмасман бедапоянга" деган сатрларни битмаганига амин бўлдим. Мен ўзбекистоннинг оддий қизи сифатида юртимда бир олам орзулар ва шижоат билан аҳд қилдим: бор кучим ва билимим билан муқад-

дас Ватаним равнақи йўлида хизмат қиламан. Ўз боласидек яхши кўриб, ғамхўрлик қўрсатётган инсонлар ишончини оқлаш учун ёшлик шижоатимни аямайман.

зидентимизга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Дўстлик сафари

Насиба САПАЕВА, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 22-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари:

— Ўқувчиларим билан кўшни туркман элига саёҳат қилиб, унутилмас таассуротларга эга бўлдим. Бу саёҳатимизни "Дўстлик сафари", деб аташ мумкин. Ўқувчиларимиз Туркманистондаги нуфузли дам олиш масканларида хордиқ чикаргани ҳамда шахсан Президентини

Turkmaniston taassurotlari



Ўзбек ва туркман шоирларининг шеърларидан ўқидик. Биз Махтумқулини қандай эъзозласак, улар ҳам Навоий ва Бобурни севиб мутулаа қилишар экан. Туркманистонга қилган сафарим бутун умр ёдимда сақланиб қолади. Бизга кўрсатган ишончи ва эътибори учун Муҳтарам Президентимиздан миннатдоримиз. Яхши хулқ ва аъло баҳомиз билан халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлашга сўз бераман!

Исқобли по'лоқ дўстлик ва ҳамкорлик

Шухрат ҚАҲҚОРОВ, Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси маънавият ва спорт ишлари бўлими мутахассиси:

— 25 нафар навоийлик ўғил-қизга бошчилик қилиш менга топширилганидан жуда хурсанд бўлдим. 10 кунлик сафардан олам-олам таассуротлар билан қайтдик. Аввало, у ердаги ҳамкасбларим тажрибаси билан қизикдим.

Бежиз таълимнинг "Ўзбек модели" ҳақон ҳамжамяти томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмас экан. Чунки бизда ёшлар иқтидорини аниқлаш, уни рўёбга чиқаришнинг бутун бир тизими ишлаб чиқилган. Унда ҳатто энг майда деталгача кўзда тутилган. Буни мен туркманистонлик ҳамкасбларим билан фикр-мулоҳаза алмашганимизда яна бир бор аниқлаб өтдим.

"Даянч" оромгоҳидаги 10 кунлик таълимимиз жуда мазмунли ва эсда қоларли бўлди. Турли спорт уйинлари, шеърхонлик кечалари, ўзбек ва туркман ёшларининг бадий чикардиқ, Каспий соҳилдаги сайр болаларда жуда катта таассурот қолдирди. Улар бу ҳақда тўлқинланиб гапириб беришди.

Муҳтарам Президентимизнинг "Аваза" миллий сайёҳлик марказига таширифи эса биз учун катта совға бўлди. Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан самимий, дилдан суҳбат қуриши, оталарча меҳрибонлик билан уларни рағбатлантиришини кўриб тўлқинланиб кетдим. Бу биз — педагогларга катта шижоат, юрт тақдирига камарбаста авлодни тарбиялашда масъулият юклайди.

Асрлар оша тинч-товуқликда яшаб келган икки халқ дўстлиги, ёшларининг ўзаро ҳамфикрлиги икки қардош халқ дўстлигининг келгусида янада мустаҳкамланиши ва ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишидан дарак беради.

Баҳриддин ШАЙВАЛИЕВ, Халқ таълими вазирлигининг ахборот хизмати раҳбари:

Меҳр ва мурувватдан шодон кўнгишлар

Соат эрталабки 10:00. Инструктор Мансур Сатторхонов сув ҳавзасига кириб келаётган тарбияланувчиларни қарши олар экан, уларнинг умумий аҳволини кўздан кечиради. Боланинг тана ҳарорати меъёридами, бирор нарсадан безовта бўлма-яптими, отаси ёки онасидан сўраб билади. Сув муолажаси таянч ҳаракати аъзоларида нуқсонни бўлган болаларни соғломлаштириш олими бўлаётганини ота-оналар аниқлаб етишмоқда. Муайян ҳароратдаги сув таъсирида боланинг танаси бўша-шади, мушакларида жонланиш пайдо бўлади. Чуқурлик даражаси 20, 60 см. ва 1 метру 60 см. бўлган сув ҳавзасига тушишдан аввал ҳар бир боланинг бўйича ҳимоя воситаси сифатида ҳаво тўлдирилган баллонча тақиб қўйилади.

ота-онага турли йўналишларда ёрдам кўрсатиш психологик-педагогик хизмат турлари мавжуд. Сенсор хонасида боладаги атроф-оламни идрок этишининг унча асосий — кинестетик, аудиал ва визуал каналга таъсир кўрсатилади. Хонадаги махсус жиҳозлар бола учун оддий бўлган борликда ҳаракатли ва нутқий фаоллиқни уйғунлаштирган ҳолатда турли-туман предметли-амалий ҳамда ўйинли ҳаракатларни бажариш имкони-

— Ушбу соҳадаги энг муҳим ютуқ 2008 йил 7 январда Ўзбекистон Республикасининг "Бола

1-iyun — Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni

— Гидрокинезотерапия (бас-сейнда даволоччи гимнастика) машқлари икки усулда бажарилади: аэро ва гидромассажа (ўқалаш). Биринчисида сув муолажаси орқали имконияти чекланган, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг умумий аҳволи яхшиланади. 8 — 15 нафар боладан иборат гуруҳ машғулотларини ўтказиш учун сув ҳарорати 32-32,5 даража бўлса, меъерий ҳолат ҳисобланади. Агар бир ёки икки нафар бола билан сузиш машқларини ўтказадиган бўлсак, сув ҳароратини 34-36 даражага етказамиз. Бу ҳароратда бола танаси бўшашиб, ўзини яхши ҳис қилади. Бейхитёр оёқ-қўллари ҳаракатга келиб, шу тариха бир ҳафта ўтар-ўтмас даволанувчида ижобий ўзгариш кузатилади. Гидромассажа (ўқалаш)да эса боланинг қайси аъзоларида нуқсон бўлса, айнан шу нуқтасига сувни биқирлатган ҳолда таъсир кўрсатамиз. Сув муолажасининг бу тури кўпроқ даволанувчиси бўлиб, жисмоний машқлар, реабилитация жараёнидан сўнг қабул қилиш ақсарият қатновчиларининг аҳволини ўнглайди, — дейди инструктор Мансур Сатторхонов.



Бу — Тошкент шаҳрида жойлашган республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятдан бир лавҳа. Марказ ўз фаолиятини бошлагандан буюн ғамхўрликка муҳтож 11 мингдан ортиқ (шундан 10 мингга яқини ногирон) болаларнинг жамиятга интеграциялашуви учун ўз ёрдами кўрсатди. Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида 2014—2016 йилларда Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Молия вазирликлари ҳамкорлигида Европа иттифоқининг техник кўмагида "Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим" лойиҳаси амалга оширилди. Марказнинг Фарғона, Самарқанд вилоятларида минтақавий филиаллари ташкил этилди. Ота-оналарга қулайлик яратиш мақсадида Қашқадарё вилоятида ҳам марказ филиалини очиб режалаштирилмоқда. Унинг миссияси — ижтимоий ҳимояга муҳтож, яъни никаларидан фойдаланаялмиш. Бу техник қурималарда юриш, югуриш мумкин. Афзаллиги нимада? Боланинг ҳаракатланишига аниқлик яратилади. Масалан, "Motomed" га ўтирган бола махсус оёқ кийимини кийганга, унинг педали автоматик равишда айлана бошлайди. Унинг заиф мушакларига таъсир кўрсатамиш. "Kosmos" мослашмасида эса бола ҳудди югурган консалтинг хизматида махсус педагог бола руҳиятининг билиш соҳасини ривожлантириш (сенсор идрок этиш, тафаккурнинг шаклланиши, атроф-олам билан таништириш, нутқни ривожлантириш, математика элементларига, саводхонликка ўргатиш)га қаратилган барча машғулот ва ўйинларни олиб боради.

— Марказда, шунингдек сенсор, эртақ, мусиқий терапия, Монтессори методикаси, индивидуал ва гуруҳли машғулотлар, ни беради. Хона бола ва катталар ўртасида режобий эмоционий оламни тез ўрнатишга ёрдам беради, бу эса тарбияланувчининг катталарга нисбатан ишончи ва ҳурматини оширади. Бошқа машғулот турлари ҳам ҳар бир тарбияланувчининг руҳий оламини боитиш ва ўзгартиришга хизмат қилади. Табиийки, имконияти чекланган бола ота-онани доимий стрессда солади, унинг асабларини толиқтиради. Марказимизда ташкил қилинган "Ота-оналар клуби" фаолияти ҳудди шу муаммони ҳал этишга йўналтирилган. Бу ерда ота-оналарнинг стрессга чидамиллигини ошириш, уларда юзага келган психологик-эмоционал зўриқишни олиб ташлаш, боланинг ўзига ҳослиги оқибатида бўзилган ички оламини аниқлаш ҳамда ижобий трансформациялашга йўналтирилган гуруҳли учрашув-тренинглар ўтказилмоқда, — дейди Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директорининг ўринбосари, педагогика фанлари доктори Лола Мўминова.

Юридик жиҳатдан алоҳида ижтимоий қатлам сифатида қараладиган болаларнинг жисмонан ва соғлом ривожланиши учун яратилган шарт-шароит, имкониятдан барча жойларда унумли фойдаланилмоқда.

Бугун мамлакатимизда 4916 та мактабгача таълими, 9680 та умумтаълим муассасаси, 211 та "Баркамол авлод" болалар маркази, кўплаб мусика ва санъат мактаблари, 483 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 23 та Меҳрибонлик ўйи, 85 та махсус мактаб-интернат, нодавлат но-тижорат йўналишидаги юзлаб марказлар, сарой ва студиялар мустақил ҳаётга кириб келаётган фарзандларимизнинг билим,

хуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши бўлди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Дилором Файзиёева. — Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳамда, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонунлар, "Оилавий болалар ўйлари тўғрисида"ги, "Меҳрибонлик ўйлари тўғрисида"ги, "Болалар ўйлари тўғрисида"ги низоомларда бола хуқуқларини кафолатлаш ҳақида қатор тақлиф ва тавсиялар берилган. Бу эса бола хуқуқлари давлат миқёсидаги масала эканидан далолатдир.

Халқимиз болажон. Болаларни ҳаммиса, ҳар кўни ардоқлаймиз, уларга нисбатан бўладиган ҳар қандай хавфу хатарга доим ўзимизни қалқон қиламиз. Аслида, бизда фақат 1 июнь санаси эмас, ҳар бир кун — болажонлар кўни! Биринчи Президентимиз таъбири билан айтганда, «Ўзбек халқи ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажрлиб туради. Албатта, фарзанда меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доим долзарб аҳамият касб этган». Демак, жамми яхшиликлар фарзанду дилбандларимиз учун. Келгусида ҳудди шу анъаналарни улар ўз болаларига иланидилар. Зеро, авлодларни фақат эзгуликка йўналтирилган сый-ҳаракатлар бир-бирига боғлайди.

— Ушбу соҳадаги энг муҳим ютуқ 2008 йил 7 январда Ўзбекистон Республикасининг "Бола



Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Юксак билимли талабалар

Иқтидор ва салоҳиятини намоён этишмоқда

Жиззах политехника институти халқ хўжалиги учун малякали мутахассислар етказиб бераётган нуфузли ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади. Ҳозир институтда 22 йўналишда 4752 нафар бакалавр ва магистрантлар таҳсил олмақда. Узининг билими, иқтидори, интеллектуал салоҳияти билан назарга тушаётган талабалар кўп. Бекзод Турсунов ана шундай ёшлардан. У бинолар ва муҳандислик иншоотлари инжиниринг факультетида грант асосида таҳсил олмақда. Айти пайтда "Темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришда бетон қоршмасига қўшимчалар қўшиш орқали хоссаларини яхшилаш" мавзусида илмий изланиш олиб бораётган.

Маълумки, тураржой бинолари қуришда темир-бетон маҳсулотларига эҳтиёж катта. Маҳаллий шароитда мазкур ашёнинг сифатли бўлиши айниқас аҳамиятлидир. Шу маънода, иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда унинг сифатини яхшилаш талаб этилади. Бекзод олиб бораётган илмий ишнинг аҳамияти шундаки, темир-бетон буюмларини қопиллашда бетон қоршмаси қатламлашининг олди олинади.

Иқтидорли талаба 2016 йили "Юрт келажаги" танловининг вилоят босқичида "Шахарсозлик ва ландшафт дизайни" номинацияси бўйича голибликни қўлга киритди. Шунингдек, у "Биз буюк

юрт фарзандларимиз" ёшлар фестивалининг "Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси" номинацияси голиби бўлди. Ўқишда, жамоат ишларидаги фаоллиги учун 2016 йили Бекзод Турсунов Беруний номидаги давлат стипендиясига лойиқ деб топилди.

Элёр Абдурахимов ҳам институтнинг изланувчан талабаларидан. У бино ва муҳандислик иншоотлари инжиниринг факультетининг 4-босқичида ўқийди. "Асфальт-бетон қоршмаларининг мустаҳкамлик сифатларини ошириш усуллари" мавзусида илмий изланишлар олиб бораётган. Тадқиқот жараёнида иссиқ, майда донали асфальт-бетон қоршма-

ларида минерал кукуннинг аҳамиятини синодан ўтказмоқда. Бу янгилик келажақда автомобиль йўлларида амалда қўлланилаётган асфальт-бетон қопламаларининг мустаҳкамлигини оширишга хизмат қилади. Асосийси, маҳаллий хомашёдан олинган минерал кукун иқтисодий жиҳатдан юқори самара келтириши кутиляпти.

— "Электромагнит майдонларининг тирик организмларга таъсири" мавзусида илмий тадқиқот олиб бораётган, — дейди 3-босқич та-



Oliy ta'lim

лабаси Умид Худойбердиев. — Изланишларим давомида инсон саломатлигига таъсир килувчи ташқи кучлар, электромагнит майдонларининг таъсирини ҳам ўрганаётган. Бунда илмий раҳбарим, доцент Асрор Мустафоқулов яқиндан кўмак бераётган.

Иқтидорли ёш ўқитувчилар ҳам талайгина. "Ёш олимлар кенгаши" аъзоси Сирожиддин Жонбоев изланувчан устозлардан бири. У "Ер усти транспорт тизимлари" кафедрасида фаолият кўрсатиши билан бирга, "Ма-

ҳаллий хомашёлар асосида редуктор сурков мойини олишнинг технологиясини ишлаб чиқиш" мавзусида изланиш олиб бормоқда. Ёш ихтирочининг таклифи асосида ана шундай сурков мойини ўзимизда ишлаб чиқариш кўзда тутиляпти. Маҳаллийлаштириш эвазига бундай маҳаллий маҳсулотнинг 1 тоннасида 1 миллион 650 минг сўм фойда кўриш мумкин.

Институт моддий-техник базаси кун сайин мустаҳкамланмоқда. Бу борада Европа иттифоқининг "Темпус" дастури доирасида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Лойиҳа асосида машинасозлик ва автомобиль йўллари мутахассислигида таҳсил олаётган магистрантларнинг ўқув-услубий ишларини модернизация қилиш йўналишида дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Дастур доирасида 22 минг евро қийматидаги лаборатория ускуналари ва замонавий адабиётлар олиб келинди. Мазкур лаборатория автомобиллардан чиқарилган газларни таҳлил қилувчи анализатор, ав-

томобиллардан таралаётган шовқинларни ўрганувчи маҳсул мослама, автомобиль турғунлигини ўлчовчи, автомобиль йўлларидаги тишлашиш коэффициентини аниқловчи ускуна, форсунка босимини ўлчовчи ускуна билан жиҳозланган. Бундай лаборатория мамлакатимиз олий ўқув юрлари орасида биринчи бўлиб Жиззах политехника институтида ташкил этилди.

Институтда яратилган бундай шарт-шароитлар талабаларнинг илмий изланишлар доирасини янада кенгайтириш имконини бермоқда. "Автотранспорт экологик хавфсизлиги" кафедраси ва "Автомобиль йўллари" кафедрасида 23 нафар талаба изланиш олиб бораётган. Талабалар "Ер ости сувлари кўтарилишининг атроф-муҳитга таъсири ва унинг олдини олиш чоралари", "Жиззах вилоятида суғориладиган ерларда экологик тоза ва муқобил ўғитлар қўллаш орқали ҳосил сифатини ошириш", "Асфальт-бетон қопламаларида минерал кукунлардан фойдаланиш" каби мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб боришяпти. Уларнинг кузатишлари, маърузалари турли илмий-оммабоп нашрларда эълон қилинмоқда.

Абдусаттор СОДИКОВ

Жиззах вилояти

Икки тилли луғатлар

чет тилини пухта ўрганишга хизмат қилади

Чет тили ўқитувчилари олдидаги вазифалардан бири ўқувчиларда луғатдан фойдаланиш кўникмаси (dictionary habit)ни шакллантиришдир. Бунинг учун педагог тил ўрганувчилардан ўз луғати бўлишини талаб қилиши ва доимо ундан фойдаланиш борасида маслаҳатлар бериб бориши даркор. Чунки инглиз тилидан соддалаштирилган ва мослаштирилган китобларни ўқиб, луғат ёрдамида таржима қилиш мобайнида ўқувчиларда бошқа тилдаги асарларни ўқиб тушуна олиш, ўз фикрини озгачи ҳамда ёзма эркин ифода этиш кўникмаси ривожланади.

Ҳозирги кунда юртимиздаги деярли барча китоб дўконларида болаларга мўлжалланган бир тилли луғатлар етарлича топилди. Улар сўзнинг маъносини, графикаси ва талаффузини ўрганишда кўп келади. Бу каби луғатларнинг асосий хусусияти шундаки, уларга киритилган сўз маънолари фақат мактаб ўқувчилари, бошловчилар учун мўлжалланган бўлиб, эшитганда ёки ўқиганда осон тушунилади.

Ўқувчининг чет тилидан хабардорлиги ошгани сайин турли соҳаларга хос атамаларни тушуниш учун катта ҳажмли, икки тилли техник луғатларга эҳтиёжи ортади. Бу манбаларнинг кириш қисми асосан алифбо тартибда, ясама ва қўшма сўзлар ўзак сўз остида берилди. Луғатларнинг идеографик турлари одатдаги тартибда бўлади. Унинг мақсади — берилган сўзнинг маъносини очиб бериш. Ўзбек ўқувчилари учун икки тилли — ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча техник луғатлар жуда ҳам кам экани ҳеч кимга сир эмас. Шу боис ўқувчилар кўпроқ русча-инглизча ва инглизча-русча луғатлардан фойдаланишади. Бу эса озгачи ва ёзма нутқда сўзларни ўришти-

қўллашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Инглиз тилида маҳаллий сўзловчи маълум, чет эллиқка тушунтириш керак бўлган фактлар сон-саноксиз. Бундан ташқари, инглизча-испанча ёки инглизча-русча луғатларнинг инглиз тили қисми инглизча-ўзбекча луғатдан фарқ қилади. Чунки инглизлар луғатдан сўзни топган, англашилган маънони ўқиб, сўз қайси ўринда ишлатилиши мумкинлигини тушунади. Лекин рус ёки ўзбек ўқувчиси сўзни луғатдан топган, унинг ишлатилиш ўринларини ҳам кўриб чиқиши керак.

Масалан, русча "удобный" сўзи "шинам", "қулай", инглизча "convinient", "comfortable" деб берилди. Русча-инглизча луғатдан фойдаланаётган ўқувчи "удобный" сўзининг "convinient", "comfortable" таржималарига дуч келади. Лекин қайси сўзни танлаш кераклигини уларнинг ишлатилиш ўрнига қараб билади. Худди шу сўз О.С.Ахманова ҳамда Е.Уилсон таҳрири остида рус ўқувчилари учун чиқарилган "Англо-русский словарь"да "удобный" 1. comfortable; 2. (подходящий) convinient, — случай good chance (или opportunity) деб киритилган. Бундай луғатлар сўзларнинг ишлатилиш ўринлари ҳақида тўлиқ тушунча беради.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослари зиммасида ўқувчилар учун зарур бўлган ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча луғатларни ишлаб чиқишдек долзарб вазифа турибди. Бунда олимларимиз она тилидан муайян билим, кўникама ва малакага эга ўғил-қизларга инглиз тилини чуқур ўргатиш масалаларига эътибор қаратиши лозим.

Шозода ОЧИЛОВА,
Қизилтепа тумани
агроиктисодиёт касб-хуна
р коллежи ўқитувчиси

Мамлакатимизда таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашда раҳбар кадрлар салоҳиятини ошириш ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади. Педагогика фанлари номзоди Шукур Пўлатовнинг "Таълим менежменти ёхуд таълим муассасасини илмий-методик бошқариш технологияси" номли ўқув-методик қўлланмаси айти шу мақсадга хизмат қилиши билан ҳар бир педагог раҳбарга кўмакчи бўла олади.

Педагог раҳбарлар учун муҳим қўлланма

Жумладан, қўлланмада умумтаълим мактабларини илмий-методик асосда бошқаришда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминловчи омиллар, мактабнинг умумий вазифаси, фаолиятини қандай таълим эҳтиёжларига йўналтириши каби мавзулар очиб берилган. "Таълим муассасаларида методик хизмат кўрсатиши илмий-методик асосда ташкил этиш", методика кенгаши ва метод бирлашмаларда узлуксиз ва мунтазам ўтказиб бориладиган тадбирлар хусусида муҳим тавсиялар келтирилган.


Дарс таҳлилида ёш мактаб раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари йўл қўядиган хато ва камчиликларни бартараф этиш механизми кўрсатилган.

Шунингдек, дарс жадвали тузишда ўқувчиларнинг ёш хусусияти, синфи, ўқув фанларининг мураккаблик даражаси, ўқитувчиларнинг малака ва тажрибаларини ҳисобга олиш борасида ҳам маслаҳатлар берилган.

Йиллик иш режа тузиш, ички назоратни ташкил этиш, мактабда ўзини ўзи бошқариш, директорлик сифатлари, ДТС мониторинги, мактаб методика кенгаши иш фаолиятининг вазифалари каби мавзулар ҳам илмий-методик жиҳатдан таҳлил этилган.

Таълим жараёнига оид муаммо ва камчиликлар шунчаки санаб ўтилмай, сабаблари ўрганилган, бошқарув жараёнида уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилган.

Қўлланма таълим муассасаси раҳбарлари учун фаолиятини самарали ташкил этишда зарур кўмакчи бўлади.



2017-yil 31-may, № 43 (9004)

Нега бу бола математикага бунчалар ўч? Ўзимча "икс", "игрик", "синус", "косинус"лар оламида яшайдан, рақамларни қўшиб-айириб, кўпайтириб-бўлиб... яна аллақандай формула, теоремалардан маъно ахтараман. Ахтараману, жавобни Ҳакимбойнинг онасидан топгандек бўламан: "Болам менга математикадан бошқа ҳеч ниманинг қизиғи йўқ, деб айтганида беш ёш эди-ёв". Она фарзандини ўзи дарс берадиган мактабга олиб борди...

Ҳакимбойнинг феълдаги қайсарлик ва илм ўрганишга кучли иштиёқ тушуниб бўлмас характерга дўниб борарди. Мактабда бирорта бола ундан ўзиб кетолмаган экан. Шундай ҳол бўлса, тамом: кимўзарга ўқийвериб, ўқийвериб, охири барибир ютиб чиқаркан. Биз айтаётган қайсарлик шу. Болакайни тенгдошлари орасида энг кучлига айланган ҳам шу ҳислат. Энди у мана шу ўзарлиги ортидан каттароқ мисоллар устида бош қотира бошлади.

Ҳакимбой 8-синфдан Шовот туманидаги Ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқишини кўчиртирди. Бу ерда аниқ фанлар билан жиддий шугулланишар, талаб ва таҳсил юқори эди. Йигитчанинг таърифи муассасада ички олимпиада ўтказилаётган паллага тўғри келди. Келди таловда де иштирок этишга руҳсат сўради. Уқитувчи рози бўлди, боланинг шаштини синдирмади.

Ўша кунни Ҳакимбой кечагайди эслайди. Унга 5-ўринни раво кўришди. Шунда бу ер аввалги мактаби эмаслигини, атрофи ўзидан ун чандон кучлиларга тўла эканини англади. Йигитчага алам қилди. У яна китобга мукка тушди, илмга шўнғиди. Ўқишдан бўлак чора кўрмади. Тушда ҳам формуларни такрорлар, мисолларни жавоби чиқмагунча ечаверди...

Йил сўнгида вилоят олимпиадаси бўладиган. Яна имкон тегди унга. Ўртада бир йиллик сабоқ ва 5-ўрин аламини турарди. Ҳақамлардан бири имтиҳондан пешонасини тириштирганча бош чайқаб қилди: "Кечагина келган бола 1-ўринни олиб турса-я...".

Ҳакимбойни олдинги партига ўтказишди. У яна ўзини топиб олганидан аввалгидай хузур қилар, борган сайин атрофидан куч оларди. Мактаб-интернатни тамомлаб, Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицейда ўқишини давом эттирди. Энди у математикани чуқурроқ ўғанишни истар, пойтахт тарафлардан овозаси келган математика ихлос қўйганди. Бу инсон Халқаро математика олимпиадасида уч бор қатнашиб, битта бронза, битта кумуш медал соҳиби бўлган Умид Раҳмонов эди. У пойтахтда — Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номидаги академик лицейда дарс беради.

Бог хаёли боққа элтиди. Ҳакимбой таҳсил олиш учун Хоразмдан Тошкентга отланиб, ўша лицейга ўқишга кирди. Энди уни ҳеч нима чалғитмас, отилишга тайёр вулкандек эди гўё...

Шаҳар олимпиадаси. Иштирокчилар олдатгайдек икки босқичда имтиҳон топширди:

ёзма иш ва тест. Йигитча топшириқни зумда ишлаб, хонани кўнгли хотиржам тарк этди. "Бу бола эсини еганими, тугашига ҳали вақт бор-ку" дегуви-чилар бўлди. Ҳолбуки, унга эллиқдан 49 балл қўйишди. Галаба нақд, чунки қолганларнинг баҳоси 25 ҳам эмас. Ҳакимбой эса бундан заррача хурсанд бўлмади. Нега қирқ тўққиз бал олгани, ҳеч бир хатоликка йўл қўймагани

ҳақида ўйлар эди у. Апелляция ҳам берди.

Ўша ерда бўлганлар яхши эслайди: Ҳакимбой мағлубдек норози турар, қаерда хато қилганини тушунтириб беришларини сўрарди. Ҳақамлардан бири уни койиди: "Ҳой барака топкур, шундоғам голиб бўлиб турибсан-ку, нега бир балл учун ҳамманинг вақтини оляпсан?"

— Ташқарида мени директоримиз кутяпти, — хомуш сўз бошлади Ҳакимбой. — Унинг олдида қайси юз билан чиқаман. Эллиқдан бир балл ҳам кам олмайман, деб сўз берганман. Ҳақамлар хайратдан ёқа ушлади. Улардан бири йигитчанинг "эсини жойига киритиб қўйиш" учун директорга сим қокди:

— Ало, Қахрамон ака. Ҳакимбой деган ўқувчингиз бор экан, шундоғам голиб, атиги бир балл учун тортишиб, ҳаммамизни гаранг қилди. Ўзингиз бир нима денг...

— Нима?! — деди директор жажл аралаш сўроқ оҳангида.

— Ҳали қирқ тўққиз олдимми, унга эллиқдан кам олсанг ўзингдан ўпкала, дегандим. Айтинг, олдимга кеп ўтирмасин!

...У билан қайта савол-жавоб ўтказилди. Хонадан 50 балл билан чиқиб келди йигитча. Ушанда кўпчилик кучли шахс ортида ундан-да талабчан инсон туриши кераклигига гувоҳ бўлганди.

Йигитчадан адабиётга, умуман, бадиий асарларга қанчалик қизиқиши ҳақида сўрадим.

— Китоб ўқийман, албатта. Масалан, тарих мен учун ҳар доим қизиқ, — деди у. — Аммо математика барибир бошқача. У менга бу фаннинг ўз гўзаллиқлари борлигини тушуниртмоқчи бўлди. Оқ ва раққат тўққизта 1 рақамнинг ёзар экан, уни тўққизта 1 га кўпайтирди.

— Жавоб нечи чиқишини биласизми? — деди мени саволга тутиб.

Елка қисдим. У рақамлар йиғиндисини ёза бошлади: 12345678987654321.

Рақамлар шаклини кўриб

"Қойил!" деб юбордим. Мен уни келажакда зўр иқтисодчи бўлар, десам йигитча тамоман бошқа фикрда экан.

— Кўпчилик ўзини молия-иқтисод соҳасига уради. Менинг мақсадим бошқа. Математик бўламан, дердим доим. У ёғи менга қизиқмасдек. Ҳалиям шундай.

2014 йил. Республика академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги фан олимпиадаси. Ҳакимбой тағин 1-ўринни эгаллади. Ҳамма уни бармоғи билан имлаб кўрсатар, у қатнашган танловларда голибининг қимлиги аён бўларди-қоларди. Ўша йили Ҳакимбой Ўзбекистон Миллий университети-нинг механика-математика факультети-га имтиёз асосида қабул қилинди.

Университет уни энг иқтидорли талабалардан бирига

эди. Болгариянинг Влаговград шаҳрида талабалар ўртасида математика фани бўйича 22-Халқаро олимпиада...

Биз икки кун давомида бештадан ўн масала ишладик. Негадир иккинчи кун 3-масала ечимига "0" қўйишди. Юрагим жиз этиб кетди. Ахир усулим соф комбинаторик ечимга асосланган эди. Бироқ аниқ жавоб, яъни масала муаллифининг ечими кўпхадлар назариясига асосланган экан. Ноилоҳ, апелляцияга бердик. У ерларда бу жараённинг ўз қонун-қоидаси бор. Масалан, менинг комиссияга киришим мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун аввал қандай ечганимни ўқитувчига тушунтиришим, у эса комиссия билан мунозара олиб бориши керак. Кўзимни чирт юмиб, муҳокамага ўқитувчим билан бирга

Ўзимизнинг Ҳакимбой

айлантирди. Фан олимпиадаларида кўлга киритилган кетма-кет галабалар... санасангиз, йигитчани "даҳо"га чиқаришингиз тайин.

У халқаро олимпиадаларда қатнаша бошлади. Қаерга бормасин, энг яхши натижа учун курашар, гўё қаттиққўл директор уни ташқарида кутиб турарди. Ана шундай олимпиадаларнинг бирида...

Козогистон. Турли мамлакатдан 200 иштирокчи. Ҳаммаси бир мисолни четлаб ўтарди. Ҳакимбой бундай қилмади. Бор билими ва салоҳиятини ёшга солиб уни ечди. Ўша мисолнинг муаллифи арманistonлик математик Наир Седракян эди. У ўшандаёқ йигитчанинг ақл бовар қилмас усулини кўриб, максимал балл қўйди. Шу мисол Ҳакимбойга олтин медал келтирди. Седракян олимпиада якунига етгач, Ҳакимбойни ёнига чақирди. Одам тумонат. Йигитча унга масалани қандай усулда ечганини қайтадан кўрсатиб берди. Ўзи кичик масала, аммо жавоблар салкам тўрт варақ. Мехмонлардан бири эътироз билдирди: бу жуда ҳам узун ечим эмасми?

Седракян йигитчанинг усули, аслида, энг қисқа йўл эканини яшириб ўтирмади. Ўшанда ушбу масалани 200 ўқувчидан 6 тасигина еча олган. Қизиғи, қолган 5 қатнашчининг бари бир хил, қоида-си бўйича ечим кўрсатган. Фақат Ҳакимбойгина Монге'Д-Аламберт ва Менелай теоремаларидан бир неча бор фойдаланиб, соф проектив усулда ишлаган. Асли, математика йўналишлари кўп. Элементар математиканинг ўзи катта 4 соҳа бўлинад: алгебра, геометрия, комбина-тория, сонлар назарияси. Уларнинг ҳар бирида кўп-тармоқлар бор. Демак, асосий масала усул топа билиш-да.

Ҳакимбой менга ўнлаб олимпиадалардаги қизгин ва ҳаяжонли вазиятлар ҳақида сўзлаб берар, уларнинг бари мана шу йигитча билан содир бўлганига ишонгим келмасди. Қаерга бормасин, бир воқеани ундан такрор айтиб беришини сўрашди. Йигитча ҳам ўша кезларга қайтиб, сўз очди:

— 2015 йилнинг августи

Orzuli dunyo

Эйнштейн ҳақ экан: бирор муаммога элтувчи фикрлаш ва қарашларингизни ўзгартирмасдан туриб уни ҳал қила олмайсиз. Ҳакимбой ҳақида узок ўйладим. Бу йўлларда собит қолиш унга-да осон бўлмагандир. "Математик ҳам бўласанми" қабилидаги турфа фикрларни енгиб ўтгандир. Мухими, йигитча ҳамон шу фанни дейди, шу фанни севади. Уни бошқа саволлар билан қанча чалғитмай, у яна математика ҳақида гапирди.

— Асосий мақсадим математика билан жиддий шугулланиш. Бирор-бир илмий даражага эга бўламанми йўқми, бу мен учун қизиқ эмас. Математик бўлсам бўлди. Келажакда ушбу бун соҳасида эришиш мумкин бўлган барча чўққиларни забт этиш ниятим бор.

Ундан нега шу пайтгача боришинг бирор нуфузли билми юртида ўқишга кирмаганини сўрадим.

— Менда имтиёзлар бир талай. Масалан, Германия Гёттинген университетига ўқишга таклиф қилган, Кипрда ҳам таҳсил олишим мумкин. Аммо ўзимизда ҳам математика соҳасида кучли мактаб бор, ўрганилмаган йўналишлар, муаммолар кўп. Шуларнинг устида ишласам дейман.

— Мисол ечишу, жавоб топшидан зерикаймисми ҳеч? Бунинг нима фойдаси бор...? Ҳакимбойнинг бундай саволларга жавоби битта:

— Нега футбол кўрасиз? Аинқиса, энг кучли икки жамоа тўқнаша. Ахир бунинг сизга ҳеч қандай фойдаси йўқ-ку! Математика билан шугулланишимни ҳам шундай тушунинг — тамом.

Ундан ечимини топмай келётган мисоллари ҳақида сўрадим...

— Балки эшитгандирсиз, математиканинг етти муаммоси бор. Арслар давомида ечилмай келётган еттита мисол. 2004 йили улардан бирини россиялик математик Григорий Перельман еча олди. Бу ечим кўпнаб омишларга таъсир қила олади. Уларнинг ичиде самолётнинг учуши билан боғлиқ муаммолар ҳам бор. Ечим топилса, самолётлар авария бўлмайди, дейишад.

Математикада илмий иш қилаётган олим икки ҳолатда ҳам натижа кўрсатиши мумкин. Агар у ўз йўналиши бўйича бирор-бир масала ечимини излаётган бўлсаю, уни тополмаса — бу ҳам бир натижа. Яъни, у шу йўл билан ушбу масалани ечиб бўлмаслигини исботлайди.

Бизда иқтидор эгалари кўп. Ишонаман, ўша ечимини кутаётган олти масала ўзимиз томондан топилажак.

Ҳакимбойга назар ташлаб туриб, ҳар қандай оддий инсондан буюк шахс шаклланиши мумкин эканига амин бўласан киши. Энг муҳими, кўнглидаги истакни қувватлантириб туриш экан. Яна бир гап: агар сиз АҚШнинг "Mathematical Reflections", "Geometricum", Гонгконгда чоп этиладиган "Mathematical Excalibur", Россиянинг "Journal of Classical Geometry", "Квант" журналларида Ҳакимбой Эгамберганов номини ўқиб қолсангиз, иккиланманг! Бу ўзимизнинг Ҳакимбой...

Бобур ЭЛМУРОДОВ

Ҳакимбой Эгамберганов

1995 йил 12 августда Урганч туманида туғилган. Республика ва халқаро олимпиадалар голиби. "Ўзбекистон белгиси" кўрак нишони, Мирзо Улугбек номидаги давлат стипендияси соҳиби. Ўзбекистон Миллий университети-нинг механика-математика йўналишида таҳсил олмақда.



Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хоразм каби қадимий шаҳарларимизга дунёнинг турли бурчақларидан келаятган сайёҳларни қўриб, ўз Ватанимизга нисбатан чексиз фахр-ифтихор туймиз. Қисқа мuddатли сайёҳат давомида уларнинг ҳар бири Ўзбекистон ҳақидаги бой таассурот билан ўз юртига қайтишади. Бинобарин, истиқлол йилларида мамлакатимизда туризм соҳасини жадал ривожлантиришнинг ҳуқуқий меъёрлари амалиётга татбиқ этилди. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган "Туризм тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 августдаги "Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори, Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони шулар жумласидандир.

"Туризм тўғрисида"ги қонунда туризм — жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жой (мамлакат)да ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда энг узоғи бир йил мuddатга жўнаб кетиши (сайёҳат қилиши) эканлиги келтириб ўтилган.

"Туризм" сўзига турли даврларда турлича ёндашилган. Бу борада бир қатор тушунчаларни изоҳлаш мақсадаги мувофиқдир. "Туризм" сўзининг негизи ҳисобланган "Tour" лотинча "Tornare"дан келиб чиққан бўлиб, доиравий шакл маъносини аниглайди. Бу сўз ўз маъносини ўзгартирмаддан бошқа гарб тилларига ҳам кириб келган. Масалан, французчада "aylanish" маъносига тўғри келувчи "tourner" ва "four" сўзлари ҳозирги кунда ҳам ишлатилмоқда. Инглизчада эса "туризм" сўзи, "турист" сўзидан кейин 1800-йилларнинг бошида юзага келган. Немисчада эса фақатгина "auslander" (ажнабий ёки хорижий) сўзи ишлатилар эди. 1958 йилда немис тилида бу атама алоҳида эътиборга олинб, туризмнинг эквиваленти бўлиши "fremdenverkehr" ёки "tourismus", "турист" сўзининг эквиваленти эса "tourist" тарзида қўлланила бошланди.

Туризм тарихига назар ташлар эканмиз, тарихий адабиётларда англиялик бизнесмен Томас Кук (1808—1892) — соҳа асосчиси сифатида келтирилган. У туризм даромад манбаи эканлигини амалиётда илк бор исбот-

- кредитга сайёҳат қилиш;
- ёшлар учун маърифий сайёҳат;
- ишчилар учун махсус экскурсия;
- денгиз орти мамлакатларига сафар қилиш;
- валюта алмаштириш операциялари.

Туризм — давомий яшайдиган, ишлайдиган ва муҳим эҳтиёжларни қондирадиган жойдан ташқарига қилинадиган кўнгилочар сафардир. Мамлакатни дунёга танитишда спорт, санъат ва маданият соҳалари каби бу йўналиш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Турли халқларнинг урф-одатлари, миллий қадриятлари, дўстлик ришталарини бир-бирига боғлашдаги хизматлари туфайли бу соҳанинг миллиятлараро алоқа кўприги сифа-

ни жаҳон талаблари даражасига етказиш мақсадида Испания, Португалия, БАА, Япония, Германия, Австрия, Голландия, Венгрия, Чехия каби бир қатор давлатлар тажрибаси амалиётга татбиқ этилаётгани таҳсинга сазовордир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги фармонида туризм соҳасига қанчалик эътибор қаратилаётганлигини кўриш мумкин.

Фармонга асосан, 2017 йил 1 апрелдан Ўзбекистонга 30 кундан зиёд бўлмаган мuddатга сайёҳлик мақсадида келган Австралия, Австрия, Буюк Британия, Германия, Дания, Испания, Италия, Канада, Люксембург, Нидерландия, Корея Республикаси, Сингапур, Финляндия, Швейцария

Сайёҳлик — истиқболли соҳа

бунда Ўзбекистоннинг имкониятлари жуда кенг

туртки бўлди. 1830 йилда жаҳонда биринчи темир йўл Манчестер ва Ливерпул ўртасида ишга туширилиб, у амалда сайёҳат уюштиришнинг вақт чегараларини анча ўзгартириб юборди. Илгари ҳафталаб давом этган сайёҳатларни эндиликда муайян ҳақ тўлаб амалга ошириш ҳар бир кишининг қўлидан келади. Темир йўл тармоқлари барча мамлакатларда мисли қўрилмаган суратларда қўрила бошланди. 1833 йилда Россияда Черепановнинг биринчи паровози ишга туширилди. 1842 йилга келиб Англияда темир йўл орқали йўловчи ташиш кўрсаткичи 23 миллион кишига етди. АҚШда 1850 йилда 15 минг чакирим масофали темир йўллар қуриб битказилганлиги сайёҳатлар кўламини бир қадар ошириш имконини яратди.

Томас Кук туризм фаолиятига қўйидаги янгиликларни жорий этиш таклифни билдирди:

➤ транспорт, меҳмонхона ва бошқа харажатларни ўз ичига олган ҳолда оммавий сайёҳат қилиш;

тидаги роли эътироф этилган. Юртимиздаги қадимий шаҳарлар тарихи, халқимизнинг маънавий-маданий қадриятларини тиклаш борасида кенг қўламли ибратли ишларнинг амалга оширилаётгани туризм соҳасидаги имкониятларимизни янада кенгайтирмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан қўлланган шаҳарлардаги тарихий обидалар, муқаддас қадимжолар обод қилиниб, бутунлай янгича манзара касб этди. Вилоятлардаги ҳар бир қадимий ёдгорлик, шунингдек, Соҳибқирон Амир Темур давридаги бебаҳо маданий мерос билан танишиш, диёримизнинг бетакрор табиатида баҳраманд бўлиш учун ташриф буюрувчилар сони йилдан-йилга кўпаяётгани фикримиз исботидир. Замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари қурилиши баробарида сервис хизмати ҳам яхшиланиб бораётди. Мамлакатимизнинг диққатга сазовор шаҳарларида туризми ривожлантириш, сайёҳларга сервис хизмати кўрсатиш-

ва Япония фуқаролари, бунга қўшимча равишда Бельгия Қироллиги, Индонезия, ХХР (сайёҳлик гуруҳлари таркибида), Малайзия, АҚШ, Вьетнам, Исроил, Польша, Венгрия, Португалия ва Чехиянинг 30 кундан зиёд бўлмаган мuddатга Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрувчи 55 ёшдан ошган сайёҳ фуқаролари учун виза тартиби бекор қилинди. Кўрсатиб ўтилган давлатлар фуқаролари Ўзбекистонга киришда 50 АҚШ доллари миқдоридagi кириш йиғимини тўлайди, бу маблаг давлат бюджетига ўтказилади. Кириш йиғими тўланганини тасдиқловчи ҳужжат мамлакатга кириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Жорий йилда барча мамлакатлар учун 30 кун мuddатга бериладиган ягона сайёҳлик визасини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрланиши лозим. Бунда транзит, халқаро аэропортларда ва Ўзбекистонга давлат чегаралари орқали ўтказиш пунктларида виза олиш тартиби сезиларли равишда соддалаштирилиши кўзда тутилган.

Саёҳатдан бошланган таътил

Мана, ўқув йили ҳам тугаб, ўқувчилар уч ой давом этадиган ёзги таътилга чиқиб олишди. Таътил қандай бошланса, ўқувчилар худди шундай кайфиятда юришини педагоглар яхши билади. Паркент туманидаги 27-мактаб ўқитувчиси Мақсуда Расулова ва ҳамкасблари 6-синф ўқувчилари билан Темурийлар тарихи давлат музейига сайёҳат қилдилар.

Нафақат хорижий давлатлар, балки юртимизнинг турли худудларидан Тошкент шаҳрига келган меҳмонлар ҳам музейга келиб, буюк бобомиз даврида яратилган осори-атикалар билан танишмасдан кетмайдилар. 1996 йили Амир Темур таваллудининг 600 йиллик юбилейи муносабати билан очилган музей бобокалонимизга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш борасидаги муҳим ва эзгу ишлардан бири бўлди. Музейнинг бетакрор мезморий ечимида бой тарихимиз ва бугунги озод ҳаётимиз ўз ифодасини топган.

Азим пойтахтимиз марказига қўрқ бағишлаб турган музей биносининг ташқи кўриниши диққат-эътиборни тортади. Қадимий мақбаралар маҳобатини эслатувчи мовий гўмбаз мусаффо осмонимиз, ёرғу келажгимиз тимсолидир. Бинонинг ташқи девори-

да ишланган нақшларга "адолат", "маърифат", "диёнат", "оқибат" каби инсонни эзгуликка ундовчи ҳамда Амир Темур юртимиз оидона сиёсатини акс эттирувчи сўзлар битилган. Музей фонди ранг-баранг экспонат ва ноёб осори-атикаларга бой. Мамлакатимиз худудидан олиб борилган археологик

қазимчалар пайтида топилган ашёлар, шунингдек, тақдим этилган тарихий, маданий аҳамиятга эга буюмлар эвазига музей фонди тобора бойиб бормоқда. Чет элларда сақланаётган маданий ёдгорликларни юртимизга қайтариш, нусхаларини яратиш ишлари олиб борилаяпти.

Музей залларини ҳайрат ва ҳавас билан томоша қилаётган ўқувчилар ҳар бир экспонат ёнидан ўтишар экан, маълум истаб менга боқишарди. Уларнинг қизиқувчан нигоҳларига қараб, ҳикоям-

ни давом эттираман. Ўқувчиларнинг таассуротлари бир олам.

— Менга айниқса, Шахрисабз ва Самарқанддан топилган қадимий бинолар қолмақиси намуналарини ва безаклари кўпроқ ёқди, — дейди 6-синф ўқувчиси Диёр Имомбоев. — Асрлар давомида уларнинг ранги ва ҳолати ўзгармагани жуда ҳайратланарлидир. Ўша даврга оид қимматбаҳо матолар, олтин, қумуш ва бронзадан ясалган хилма-хил идиш, уй-рўзгор ва заргарлик буюмларини қўриб, Амир Темур бобомиз нафақат буюк давлат арбоби, балки хунармандлар ҳомийси ҳам бўлганини англадик.

Ўшбу катта музей мамлакатимиз ёшларининг севилими масканига айланган. Мактабчага таълим муассасалари тарбияланувчилари, ўқувчи ва талабалар учун ташкил этилаётган турли мавзудаги экскурсия ва жонли дарслар

бир-бирига улашиб кетади. Музейда дунёнинг турли давлатлари билан ҳамкорликда халқаро кўргазмалар тез-тез ташкил этилади. Ҳиндистон, Эрон, Бельгия, Уммон давлати билан ҳамкорликда ўтказилган кўргазмалар натижасида Темурийлар тарихи дунё микёсида кенг тарғиб қилинмоқда. Музей экспонатларининг Франция, Германия, Австралида ўтказилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилиши ҳам бунга асос бўлади.

Музейимизнинг расмий веб-сайтга турли кўргазма, тадбир ва анжуманлар ҳақидаги маълумотлар киритиб борилади. Асосий сайт уч тилда — ўзбек, рус, инглиз тилларида эканлиги тарих ва санъатга қизиқувчилар учун қулай имконият. Музей иш фаолиятига ахборот технологияларининг жорий этилгани экспонатлар тарихини очиб бериш, томошабинлар эътиборини қучайтиришга қўмақлашади, айниқса, ёшларнинг тарихга бўлган қизиқишини оширади.

Бу ерга келган ҳар бир инсон маънавий озуқа оلسа, аждоқлари билан фахрланса, ўтмишини эъзозлашга ўрганса, музей ходимлари хурсанд бўлишади.

Мавлуда ҲАЛБЎТАЕВА,
Темурийлар тарихи давлат музейи
илмий ходими

2017-yil 31-may, № 43 (9004)

Дунё полвонлари Ўзбекистон Президенти соврини учун гиламга чиқди

Термиз шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган XIII халқаро турнир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, мамлакатимиз кураш федерацияси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва Кураш халқаро ассоциацияси томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган нуфузли турнирда дунёнинг эллика яқин давлатидан энг кучли полвонлар голиблик учун беллашди.

Турнирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р.Қурбонов, Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Турдимов, Кураш халқаро ассоциацияси президенти Ҳ.Фармон ва бошқалар уч ярим минг йиллик тарихга эга миллий қадриятимиз — кураш мустақиллик йилларида том маънода дунё спортига айланганини алоҳида қайд этди. Ҳозир кураш бир юз ўлтизга яқин давлатда кенг оммалашмоқда. Кураш халқаро ассоциацияси, Осиё-Океания, Европа, Панамерика ва Афри-

ка кураш конфедерациялари томонидан курашнинг жаҳондаги нуфузини янада ошириш, уни ёзги Олимпия ўйинлари дастурига киритиш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган аънавий халқаро турнир дунё спорт жамоатчилигини кураш билан янада кенгроқ таништириш, мазкур спорт турига бўлган қизиқиш ва интилишни кучайтириш, дунё полвонларини ўзбек кураш мактаби аънавалари билан яқиндан таништиришга хизмат қилмоқда.

Халқаро турнирда полвонлар уч вазн тоифасида гиламга тушди. Вазни 73 килограмм бўлган полвонлар беллашувидан барча совринли ўринлар мамлакатимиз спортчиларига насиб этди. Ҳикматилла Тўраев биринчи, Давлат Абраев иккинчи, Сухроб Худойбердиев ва Шербек Аблоқулов учинчи ўринни эгаллади.

Вазни 90 килограмм бўлган курашчилар ўртасида ҳам полвонларимизга тенг келадигани топилмади. Яхё Имомов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шухрат Арлонов кумуш, Дилош Чориев ва Камолиддин Расулов бронза медал билан тақдирланди.

— Кураш фалсафаси, моҳияти ва унинг жозибаси бутун дунёни лол қолдирмоқда, — дейди Хан Су Ким (Жанубий Корея). — Халқингизнинг миллий спорт тури Жанубий Корея ёшлари орасида ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Мени ҳам курашнинг мардлик, ҳалоллик, қамтарлик каби эзгу фазилатлар билан йўғрилгани ўзига мафтун этган. Кураш билан анча йилдан бери шугулланаман. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган аънавий халқаро турнирда қатнашганимдан хурсандман. Таъкидлаш жоиз, турнирни ташкил этишга ҳар томонлама пухта тайёргарлик қўрилган.

Халқаро турнирнинг мутлақ вазн тоифаси финалида сурхондарёлик Абдулла Холиёров россиялик Артём Осипенкони



мағлубиятга учратиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини — 25 000 АҚШ доллари кўлга киритди. Артём Осипенко иккинчи, Бекмурод Олтибоев ва Бахтиёр Менглиқулов учинчи ўринни эгаллади.

— Нуфузли турнирда голиб бўлиб, Президент совринини кўлга киритганимдан хурсандман, — дейди Абдулла Холиёров. — Мусобақада Россия, Грузия ва Туркманистондан келган кучли полвонлар билан беллашдим. Улар ҳам ўзбек курашининг сир-асрорини пухта


эгаллагани учун галаба қозонишим осон бўлмади. Президентимиз совринини кўлга киритганим келгусида кураш бўйича халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришишимда янги куч бағишлайди.

Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари Термиз шаҳридаги тарихий ёдгорликлар, мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, барпо этилган замонавий иншоотлар билан танишди.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА махсус муҳбири

ХИТОЙЛИКЛАР МАРИАНА БОТИФИГА ТУШДИ

Хитойда сув тубига шўнғишни хуш кўрувчи кўнгиллилар «Цзяолун» батискафида сайёрамизнинг энг чуқур нуқтаси — Мариана ботиғидаги «Челленжер чуқурига тушишга муваффақ бўлди, дея хабар берди «Синьхуа».



Батискаф кўзланган ҳудудга «Сяньхун-09» кемасида олиб борилган. Аппарат сувга туширилган илк сониядан то сув тубига — 4800 метрга етиб боргунича тахминан 9 соат сарфланган.

Миссия пайтида олимлар денгиз тубини тасвирга олган, шунингдек, турли қатламларда денгиз суви, тирик организмлар ва чўқинди хинслардан намуналар олишга муваффақ бўлди. Мутахассислар мазкур ҳудуднинг пайдо бўлишига талалукли геологик жараёнларни янада чуқур тадқиқ этиш мақсадида чўқиндилар ва тоғ хинсларининг кимёвий таркибини ўрганмоқчи.

«Цзяолун»нинг сув остига туширилиши Хитой илм аҳлининг шу йил 6 февраль кuni старт олган тадқиқотчилигининг учинчи босқичи доирасидаги 38-океан экспедициясидир. Бунгача хитойликлар Жанубий-Хитой денгизи ва Ҳинд океанининг шимоли-ғарбий қисмида илмий текширувлар олиб борган.

АВТОМОБИЛНИ РОБОТ ЖОЙЛАШТИРАДИ

Франциянинг «Stanley Robotics» компанияси муҳандислари фикрича, улловни автомобиллар турар жойига олиб киришни энди бемалол роботларга ишонши мумкин экан.

«Hi-news.ru» да келтирилишича, «Stan» дея номланган автомобилни жойлаштириш жараёнини анча енгиллаштирувчи ноёб қурилма — робот ту-



раргоҳга киришда автомобилни ҳайдаб эмас, балки кўтариб, бўш ерга жойлаштиради.

«Stan» махсус платформа ёрдамида улловни ердан кўтарилади. Автомобиль эгаси мобил илова ёрдамида тураргоҳга олдиндан бюртма бериши ва ўша жойни қачон тарк этишини ҳам киришиб қўйиши мумкин. Шунда робот аниқ ва тез ишлайди.

«Stan» аини кез Париж шаҳридаги Шарль де Голь аэропортида машиналарни тураргоҳга жойлаштириш. Компания вакиллари фикрича, бу одамларнинг вақтини тежаб, асаббузарликнинг олдини олишга хизмат қилади. Айниска, рейсга кечикаётганлар учун ўшар роботнинг қадрли бўлақча. Эслатиб ўтамиз, «Stanley Robotics» компанияси 2015 йилда ташкил этилган.

ЭНГ КЎП КАСАЛЛИК ХАВФИ

Австралиядаги Мельбурн университети олимларининг инсонлар ўлимига сабаб бўлувчи омилларга оид жаҳон статистикаси таҳлили натижалари маълум қилинди.

«Ортодокс» тиббиёт порталида келтирилишича, Ер аҳолисининг учдан бир қисми вафотига юрак-қонтомир касалликлари сабаб бўлади. Мутахассислар тараққиётга эришган мамлакатларда фуқароларнинг бундай хавфли касаллик билан оғриши натижасида ҳаётдан кўз юмиш сони камайганини, айрим камбағал давлатларда эса бу кўрсаткич юқори эканини таъкидламоқда.

Тиббий кузатувларга кўра, 1990—2015 йилларда юрак-қонтомир касалликлари туфайли ҳаётдан кўз юмган беморларнинг энг юқори кўрсаткичи Шарқий Европа, Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Жанубий Америка, Океания ва Тропик Африка ҳудудларида кузатилган. Энг паст кўрсаткич эса Япония, Андорра, Перу, Франция, Исроил ва Испания хиссасига тўғри келган.

Бундан икки йил олдин ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, дунё бўйича 400 миллиондан кўпроқ одам юрак-қонтомир касалликларини орттириб олган. Утган давр мобайнида уларнинг 18 миллиони вафот этган.

Шундай экан, юқори қон босими, тўғри овқатланмаслик, холестериннинг ортиб кетиши, чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва семизликдан сақланиш. Уларнинг ҳар бири юрак-қонтомир касалликларини келтириб чиқариши мумкин.

Д.НАСРИДИНОВА тайёрлади.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш — асосий вазифамиз

Кундан кун чирой очиб бораётган юртимизнинг ҳар гўшасида қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Бино ва қурилиш олиб борилаётган майдонларда энг биринчи навбатда, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишни унутмаслигимиз керак. Бу борада қурилиш ташкилотлари ёнғин хавфсизлиги хизмати билан ҳамкорликда фаолият олиб бориши талаб этилади.

Қурилиш ишларида меъёр талаблари бузилиши, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ноҳуш ҳолатларга олиб келади. Бунинг олдини олиш учун қурилиш майдончалари доимий тарзда тез ёнғувчан моддалар, турли чиқиндилардан тозаланиб туришига, кислоталар газ баллонлари ҳамда ёғоч материалларини бирга сақлашмасликка алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Қурилиш материалларини жойлаштиришда ўт ўчириш автоуловларининг ҳаракатланишига ҳалакатли бермайдиган ҳолатда бўлишини таъминлаш, пайвандлаш ишларини амалга оширишда электр тармоғидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш хавфсизлигининг муҳим қоидаларидир.

Д.ГАНИЕВА,
12-ХҲО 2-ХҲХ алоҳида пости кичик инспектори,
Ж.САЛИМБОВ,
Бектемир ТИИБ ЁХБ инспектори, сержант,
И.ХОЛМИРЗАЕВ,
Сергели ТИИБ ЁХБ инспектори

Мирзо Улуғбек туманидаги технология касб-хунар коллежида Тошкент шаҳар ИИББ, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Ёш ўт ўчирувчи» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

Мазкур танлов ҳақиқий ватанпарварларни шакллантириш, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг фуқаролик бурчини бажариш учун тайёргарлигини оширишга ёрдам берадир.

Танловда ўқувчи-ёшлар умумий жисмоний тайёргарлик, турнирда тортилиш, 100 ва 1000 метрга югуриш ҳамда ёнғин хавфсизлиги бўйича олган билимлари юзасидан ўзаро баҳслашдилар.

Беллашувда энг яхши натижани кўрсатган иштирокчилар танловнинг шаҳар босқичида иштирок этади.

Аскар КЕНЖАКУЛОВ,
Мирзо Улуғбек ТИИБ ЁХБ
4-ХҲО командири, подполковник

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Математика факультети «Алгебра ва функционал анализ» кафедраси мудири Баҳром Омировга падари бузруквори
АБДАЗ отанинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Ривоят қилишларича, буюк табиб Абу Али ибн Синонинг олдида шифо истаб келган бемор тинка-мадори қуриб, кўп чанқайганини айтибди. Табиб беморнинг қон томирини ушлаб қўрач, сопол идишга солинган пешобини офтобга қўяди. Сийдик буғланиб кетгач, идишга арлар кўна бошлади. Бориб қарашса, майда кристаллар ҳосил бўлган. Назоткор табиб беморни тинчлантиришга уриниб: "Сиз қанд касаллигига мубтало бўлибсиз, бунинг давоси бор", дебди. Беморга муолажа белгилабди. Яъни, эчки, қўй, сигир сутидан қатиқ ивтилиб, зардоб и ажратиб олинибди. Суяқлик бир қайнатилиб совутилгач, кўзага қуйибди. Сақлин жойга қўйилган малҳамдан бемор ҳар кун икки кўнгли тортгунча ичиб юрибди. Ажабо, бир ҳафта ўтиши билан бемор ўзини тетиқ ва енги қила бошлади.

Тадқиқотларда кўрсатилишича...

Дарҳақиқат, сут ва сут маҳсулотларининг инсон организми учун жуда фойдали жиҳатлари тиббий тадқиқотларда ўз исботини толган. "Медицинские вести" манбасида айтилишича, болалар шифокори Жонатан Магир касбдошлари билан бирга 1311 нафар бола ўртасида тадқиқот ўтказган. Аниқланишича, сутни кам ичган болаларда D витамини миқдори пасайиб кетган. Канадалик шифокорлар эса сутни меъридан ортиқ истеъмол қилиш қонда темир моддасининг камайиб кетиши, иммунитетнинг пасайиши ва қалқонсимон без фаолиятининг сусайишига олиб келишини айтмоқдалар. Аммо айрим мутахассислар ҳар кун 1 литр сут ичган боланинг суяклари мустаҳкам бўлишини уқтирадилар.

Британиялик тадқиқотчилар инсон болаликдан ҳар кун бир стакан сут ичишга одатланган бўлса, қариш жараёни 5 фоизга камайар экан, деган хулосага келишди. Бундан ташқари, қариганда юзага келадиган ҳазм қилиш билан боғлиқ муаммолар хавфи ҳам сут маҳсулотлари истеъмолда 25 фоизга пасайиши эҳтимолдан холи эмас. Бристол университети экспертлари ўз тадқиқотлари асосида ҳар кун сигир сутини ичиш қарияларнинг жисмоний фаолигини ошириб, юрак ва қон-томир касалликлари ривожланишини бир неча баробарга камайтиришини айтишмоқда.

Сут маҳсулотлари таркиби қандай?

Одатда ёғлилик даражасига қараб сарғимтир, оқимтир кўринишдаги сигир сутини мамлакатимиз аҳолиси севиб истеъмол қилади. Унинг таркиби ҳақида билганларимиз умумий, аслида лаборатория таҳлиллари бу суяқликнинг ичида қўллаб қўйиладиган озиқ моддалар борлигини исботлайди.

Гули Шайхова, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— Сут маҳсулотлари аҳоли ўртасида кенг истеъмол қилинади, ундан кенг асортиментдаги маҳсулотлар тайёрланади. Озуқавий қиймати юқори бўлган маҳсулотлар таркибида нутриентлар мавжуд бўлиб, аъло даражада сўрилиш қобилиятига эга. Сут ва сут маҳсулотлари ҳайвон оқсилли (алмаштирилмас аминокислоталар), кальций, B2 ва A витаминларининг асосий манбаи ҳисобланади.

Сут таркибидаги оқсиллар юқори биологик қийматга эга ва 98 фоиз ҳазм бўлади. Уларда оптимал мувозанатланган алмаштирилмас аминокислоталарнинг бутун бошли тўплами мавжуд. Шу билан бирга сигир сутини эчки, қўй ёки бия сутидан фарқи ўлароқ, бирозгина олтингугуртли аминокислоталар танқислигига эгадир.

Ичимлик сuti — ёғлилик даражаси одатда 0,5 дан 6 фоизгача бўладиган суяқлик, пиширилган ҳолда истеъмол қилинади. Асосан, уни қиш ойларида ичиш мақсадга мувофиқдир, ёз ойларида эса ундан олинган сут маҳсулотлар истеъмолни афзалроқ. Сутнинг таркиби жуда му-

раккаб, унда организм учун зарур бўлган 100 хилдан ортиқ озиқ модда — ёғ кислотаси, аминокислота, турли витаминлар, қанд, минерал тузлар ва гормон мавжуд. Асосан, сигир сутини энг кўп ишлатилади. Унинг кимёвий таркиби — 87,5 фоиз сув, 3,8 фоиз ёғ, 3,3 фоиз оқсил, 0,7 фоиз углеводдан иборат. 1 литр сут катта ёшдаги одамнинг аминокислотага бўлган эҳтиёжининг 50 фоизини қоплаши мумкин. Ушбу суяқлик таркибидаги лактоза тўйимлиги жиҳатидан қандаг тенглашти-

рилади. Шунингдек, сут таркибида кальций, фосфор, калий, мағний ва бошқа микроэлементлар учрайди.

Қаймоқ — уни кўпроқ нонуштада ейиш фойдали, қандолат маҳсулотлари рецептига киритилса, таъми мазага чиқади.

Сметана — қаймоққа нисбатан ёғлилик даражаси кам ва хушхўр маҳсулотдир.

Қатиқ — илиқ ҳолдаги сутга томизги солиниб тайёрланадиган қадимий ичимликдир. Кефир замбуруғлари — янги ҳосил бўлувчи мустаҳкам симбиотик моддадир. Унинг замбуруғи таркибига қатор сут кислотаси бактериялари қиради. Ивиш жараёнининг давомийлиги оширилганда ва ҳарорат кўтарилганда, бу бактериялар маҳсулотнинг ачишига олиб келади.

Қатиқнинг тайёр бўлиш жараёни 20—22°C ҳароратда 10—12 соат давом этиб, парҳез таом сифатида ишлатилади. Овқат ҳазм бўлишини фоллаштиради, ичакнинг ишлаш функциясини оширади, микрофлорасини нормаллаштиради.

Йогурт таркибида ёғсизлантирилган қуруқ сут моддалари миқдори кўп бўлиб, термофиль нордон-сут стрептококклари ва болгар таёқчаси тоза культураларининг протосимбиотик аралашмаси билан ивтиб тайёрланади. Унинг таркиби мева-сабзавотлар билан бойитилиши мумкин.

Творог — ачитилган сутдан тайёрланувчи маҳсулот. Унинг таркибида кальций миқдори етарли, суяклар мустаҳкамлигини таъминлайди.

Творог массаси — бу қадокланмасдан ўз шаклини сақлаб қоладиган, сариеё ёки қаймоқ қўшиб тайёрланадиган ёғлиликдир. Твороглик массани ҳўл ва қуруқ мева, ошқўлар билан витаминлаштиришга руҳсат берилади, бу унинг органолептик хусусиятларини оширади.

Пишлоқ тайёрлаш услубига кўра ширин ва нордон сут турларига ажратилади. Пишлоқ сутга қўзичоқ гешконидан ажратиб олинган ёки ген инженерлиги усули билан тайёрлан-

ган ширдонли фермент (химозин) билан ишлов бериш асосида тайёрланади. Химозиннинг таъсири натижасида қаттиқ қуюлма пайдо бўлиб, пишлоқ бир неча кундан то бир неча ойгача бўлган вақт давомида етилади. Пишлоқнинг ферментланиш жараёнида оқсилларнинг нордон-сут ва гидролитик парчаланиши, лактозанинг сут кислотасига айланиши асосий ўрин тутди. Унинг таркибидаги микроэлементлар тиш эмалани мустаҳкамлаб, эрозиядан сақлайди, оғизда сўлак ажралишини кучайтиради. Харид пайтида қаттиқ, ёғи олинган сутдан тайёрланган, тешиги кўпроқ пишлоқни танлаш керак. Бу маҳсулот таркибида 30 фоизгача оқсил бор, уларнинг аксарияти A, B1, B2, I6, B9, B12, C, E, PP дармондорилари, макро ва микроэлементлар (темир, кальций, мағний, марганец, мис, фосфор, рух)га бой.

Сариеё — Сутдан ажратиб олинган қаймоқни қиздириш ёрдамида ҳосил қилинадиган масалликдир. Сариеёда 72,5 фоиздан 82,5 фоизгача сут ёғи бўлиб A ва D витаминлари

кўпроқ. Ушбу маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари пасайиши оксидланиш жараёни билан боғлиқдир. Агар у музлаткичда узоқ вақт сақланса, сифатига пугур етади.

Музқаймоқ сутга шакар, тухум ва бошқа таъм берувчи моддалар, овқат қўшимчаларини аралаштириш орқали олинади. У ўзида сут маҳсулотлари хусусияти ва юқори истеъмол сифатини уйғунлаштиргани билан барчага бирдек ёқади. Айниқса, музқаймоқ ёз жазирамасида катталик бирдек севиб истеъмол қиладиган яхна ёғуликдир.

Қуюлтирилган сут — юқори ҳароратда (200°C гача) шакар қўшиб ишлаб чиқариладиган консерва маҳсулоти ҳисобланади. Унда озуқавий қийматини янада кўпроқ салбий ўзгаришлари юз беради. Қуюлтирилган сут юқори калорияли маҳсулот бўлиб, унда ёғ ва қанд миқдори юқори. Уни имкон қадар кундалик таомномага киритмаган маъқул. Айниқса, қувват сарфланиши паст бўлган кишиларга бу маҳсулот тавсия этилмайди.

Қуруқ сут (сут қуқуни) узоқ вақт ва ундан кўпроқ сақланувчи захирани яратиш мақсадида табиий сут хомаёсини пардали ёки пуркаб қуритиш усули ёрдамида тайёрланади. Витаминлар қисман емирилиши, аминокислоталарнинг оммаболлиги пасайиши ва бошқа нутриентлар йўқотилиши ҳисобига маҳсулотда озуқавий ва биологик қиймат пасаяди. Аммо қуруқ сут юқори қийматли маҳсулот бўлиб, табиий сут хусусиятларининг салмоқли қисмини сақлаб қолади.

Билиб қўйган маъқул. Қувват сарфланиши 2800 ккал бўлган катта ёшли соғлом кишининг кундалик рационига ҳар кун 500 грдан кам бўлмаган сут ва суяқ сут маҳсулотлари (ҳар қандай асортиментда) киритилиши керак. Иммуни тизимини мустаҳкамлашда, организмдаги қаттиқ аъзо — суяқ, тиш, тирноқни озиқлантиришда сут маҳсулотлари ўрни бoшқаси бoса олмайди.



Salomatlik saboqlari

Сигир боқилган уйда барака бор

Бозор ва дўконларни оралаган киши, албатта, қатиқ, сметана, йогурт, творог, пишлоқ каби сут маҳсулотларини харид қилади. Товар қай кўринишда бўлмасин, уй шароити ва фермер хўжалиги муҳитида чорва молларини боқиш, парвариш қилиш натижасида етиштирилади.

Гулчеҳра Мамажонова, Наманган вилояти, Янгиқўрган туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси:

— Болалигимдан сут маҳсулотларини мунтазам истеъмол қиламан. Оилада 6 нафар фарзанд вояга етди, уйимиздан сут маҳсулотлари аримагани учунми, илигимиз бакуват. Оила қурғач, худди шундай турмуш тарзини давом эттириб келмоқдаман. Бисотимизда соғин сигир бор, ҳар кун 10-11 литргача сут соғиб оламан. Нонуштага ширчиқ, ширгуруч пишираман. Қатиқ ивтиб қўйсам, хоҳлаган пайтда ичишимиз мумкин. Буюк табиб Абу Али ибн Синога ўлими олдида шогирдлари мурожаат қилишибди: "Сиз бу дунёни тарк этаясиз, бизга сиздан нима қолади?". Шунда аллома бутун инсониятга шифобахш қатиқни мерос қилиб қолдираётганини айтган экан. Ҳақиқатан ҳам олимлар қатиқ ошқозон-ичак тизимидаги бактерияларни заифлаштириш ва ҳаттоки ўлдириш хусусиятига эгаллигини аниқлашган. Сут маҳсулотлари гарчанд музлаткичда турса ҳам тез айнибди. Шунинг учун кўпинча ачиб қолган қатиқни оқ сурп халтачага солиб, оқизиб қўйсам, сузма ҳосил бўлади. Уни юмалоқласак, ёғлиққична қурут тайёр.

Бола саломатлиги учун бебаҳо маҳсулот

Сут маҳсулотларининг бола ривожланишидаги аҳамиятини ҳуқур тушунган ота-оналар унинг харидига кўпроқ эътибор берадилар. Айниқса, мактабгача ёшдаги фарзандларимизнинг сут маҳсулотларини истеъмол қилиши учун шарт-шароит яратишга давлат миқёсида ғамхўрлик кўрсатилади.

Малика Мираҳимова, Тошкент шаҳридаги 47-МТМ катта ҳамшираси:

— Муассасамизда 244 нафар кичкинтой тарбияланади. Тарбияланувчиларнинг овқатланиш масаласи доимий эътиборимизда. Кундалик таомномага сметана, творог, йогурт, пишлоқ киритилмоқда. Ҳар кун нонуштада кичкинтойлар дастурхонига ширгуруч ва манний бўтқаси, сариёғли бутерброд тортаман. Творогга термик ишлов бериб, ватрушка, запеканка шаклида бериш тавсия қилинган. Сметана 5—10 грамдан тушлик овқат таркибида берилади. Тушликда суяқ ва қуюқ таом орқасидадан овқат ҳазм қилиши яхшилаш мақсадида кефир, қатиқ тортилади. Кечқурун уйга кетишлари олдида кичкинтойларга ўзимизда ишлаб чиқарилган пишлоқдан бутерброд қилиб таркатаман.

Соғлом овқатланиш рационидан ўз ўрнига эга бўлган сут қадим-қадимдан инсоният таомномасидан мустаҳкам жой олиб келмоқда. Таъми, шакли бир-бирига ўхшамайдиган бу маҳсулотлар ҳақидаги илмий тадқиқотларга нукта қўйилган эмас. Келажақда улар ҳақида яна ҳам қизиқарли маълумотлар аниқланиши мумкин.

Хулқар ТҶИМАНОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

Сут ва сут маҳсулотлари

Инсон ҳаётида унинг роли қандай?

2017-yil 31-may, № 43 (9004)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Баркамол авлод — 2017» спорт ўйинларидан ўрин олган мусобақалар 4 та объект: «Сўғдиёна» универсал спорт мажмуаси, Жиззах олимпия захиралари коллежи, Жиззах политехника институти ва ушбу институт қошидаги академик лицей спорт залларида бўлиб ўтди. Куйида ана шу баҳсларда қайд этилган яқини натижалар билан танишим.

ВОЛЕЙБОЛ. Ёшларнинг сеvimли спорт турларидан бири — волейбол баҳсларига Жиззах политехника институти мезбонлик қилди.

Газетамизнинг ўтган сониде ўғил болалар ва қизлар ўртасида кечган баҳсларда бронза медалга эга бўлган терма жамоаларга тўхталгандик. Фестивалнинг охириги кунни олтин ва кумуш медал сохиблари ҳам аниқланди.

Демак, қизлар ўртасида ўтказилган волейбол бўйича финал учрашувида Наманган вилояти ёшлари андижонлик тенгқурларини 3:0 ҳисобида мағлуб этишди. Ўғил болалар қарама-қаршилигида эса навоийликлар фарғоналик ёшларини 3:2 ҳисобида енгди.

Шу тариқа, қизлардан Наманган, Андижон ва Хоразм, ўғил болалардан Навоий, Фарғона ва Андижон вилояти терма жамоалари кучли учликни ташкил этди.

ФУТБОЛ. «Миллионлар ўйини»нинг шиддаткор ва мurosасиз матчи Жиззах политехника институти футбол майдониде кечди. Яшил майдонда ёш чарм тўп сохиблари ўзларининг нималарга қодирлигини кўрсатишди.

Мусобақанинг иккинчи кунни Тошкент шаҳри ва Хоразм вилояти ёшлари бронза медал учун тўп тенди. Навбатма-навбат ҳужумлар, гоҳ дарвозабонлар, гоҳ ҳимоячиларнинг жонбозлиги, ҳужумчиларнинг сўнги зарбани беришдаги шошқалоқлиги, биров қизганчиқлиги яқини ҳисоб камтарона бўлишини таъминлади — 2:1, пойтахтликлар голиб чиқди.

Фарғоналик ва қашқадарёлик ёшлар иштирокидаги финал ўйини эса қарийб 85-дақиқагача эҳтиёткорлик асосида кечди. Аммо финалда барибир голиб аниқланди. Жамоалар сўнги 7-8 дақиқада чинакам финал ҳавосини тақдим этиб беришди. 87-дақиқада фарғоналиклар дарвозаси томон белгиланган пенальтидан рақиблар унумли фойдаланди — 1:0. Шу тобда ҳамма ўйин тугади, деб турганди. Йўқ, 92-дақиқадан фарғоналик ҳимоячи бурчақдан узатилган тўпни боши билан уриб голга айлантди. Пенальтилар сериясида эса омад барибир қашқадарёликларга (4:2) кулиб боқди ва олтин медалга сазовор бўлди.

ГАНДБОЛ. Томошабинлар Жиззах олимпия захиралари коллежи манежида кўл тўпи мусобақаларига гувоҳ бўлдилар.

Қизлар ўртасида кечган беллашувлар финалида Самарқанд вилояти терма жамоаси наманганлик тенгдошларини 42:40 ҳисобида енгди. Аммо айтиш керакки, мазкур баҳс чинакам шиддат остида ўтди. Буни ҳисобдаги кичик устунликдан ҳам билиш мумкин. Шу кунни наманганлик қизларга фақатгина омад етишмади.

Бироқ Тошкент шаҳри ўғил болалар жамоаси ва қорақалпоқлик гандболчи йигитлар қарама-қаршилигида голиблар ўйиннинг илк дақиқалариданоқ билиниб қолди. Пойтахтликлар рақибларига ҳеч қандай имкон қолдирмай, 35:23 ҳисобида зафар қозонди. Қизлар мусоба-

(100, 200, 400, 1500, 3000 метр ва ҳоказо), баландликка сакраш, тўсиқлар оша югуриш, узунликка сакраш, учатлаб сакраш бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

Айтиш керакки, мазкур мусобақаларда бир неча маротаба голиблик шохсупасига чиққанлар ҳам бўлди. Хусусан, қашқадарёлик Мирсаид Бухоров (олтин ва кумуш), наманганлик Муаттар Баратова (олтин, кумуш) каби иқтидорли атлетлар ўз терма жамоасига биттадан кўпроқ медал келтирди.

Яқунда Тошкент шаҳри 1-, Навоий вилояти 2- ва Хоразм вилояти 3-ўринни эгаллади. Айтиш жоизки, мусобақада энг кўп — 5 та олтин медални қашқадарёликлар кўлга киритди. Кейинги ўринларда Тошкент вилояти ва Навоий вилояти 4



Умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти терма жамоаси 1-ўринни банд этди. 2-ўринга андижонликлар ва 3-ўринга бухоролик ёш боксчилар жойлашди.

ДЗЮДО. Жиззах олимпия захиралари коллежи манежида ўғил болалар 66, 81, +81

Чорак финал баҳсларидан ўтиб, ярим финалга етиб келган жамоалар — Тошкент вилояти Наманган вилоятига, пойтахт спортчилари андижонликларга қарши пинг-понг ўйнади ва финалга Тошкент вилояти ва Андижон вилояти жамоалари чиқди. Қизгин курашлар остида ўтган матларда андижонликлар кучли рақибларини енгиб, олтин медалга эга бўлди. Бронза медал Тошкент шаҳри жамоасига насиб қилди.

Яккалик баҳсларида эса ўғил болалардан андижонлик Қ.Тешабоев 1-, пойтахтлик И.Султонов 2-, Тошкент вилояти вакили С.Тян 3-ўринни эгаллади. Қизлар ўртасида пойтахтлик Р.Ҳожиёва 1-ўринни олган бўлса, Тошкент вилояти вакиласи К.Холиқова 2-, навоийлик С.Облакулова 3-ўринни банд этди. Аралаш жуфтлик баҳсларида Андижон жамоаси голиб бўлди.

ШАХМАТ. Жиззах политехника институти қошидаги 1-академик лицей спорт залида кечган «акл гимнастикаси» баҳсларида ҳар бир вилоятдан 2 нафар (ўғил бола ва қиз) иштирокчи 7 тур мобайнида ўзаро куч синашди.

Эътиборлиси, мазкур фестивалда кўзга кўринган спортчилардан бири фарғоналик Гулрубегим Тохиржонова ҳам қатнашиб, 7 имкониятдан 7 очко жамғарди ва «Баркамол авлод — 2017» спорт ўйинлари голибига айланди.


Нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, тахриба тўлаётган иқтидорли ёш шахматчилардан бири — Тошкент шаҳри вакили Ортық Ниғматов эса 7 имкониятдан 6 очко жамғариб, олтин медални кўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида эса Тошкент шаҳри 1-ўринни банд этди. Фарғона ва Жиззах вилояти вакиллари кучли учликка жойлашди.

БАДИЙ ГИМНАСТИКА. «Сўғдиёна» универсал спорт мажмуасида бўлиб ўтган ҳаяжонли чиқишлар томошабинларнинг завқу ҳайратига сабаб бўлди. Нафислик, гўзаллики ўз иқтидори ва салоҳиятига жо қилиб бораётган ёш гимнастикачи қизлар жамоавий ҳамда кўпураш мусобақаларида синовдан ўтди.

Шахсий чиқишларда эса ҳар бир иштирокчи ўз имкониятларини намойиш этди. Айтиш керакки, ушбу мусобақада истеъдодли спортчи, Самарқанд олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Нуриниса Усмонованинг маҳорати кўпчилик муҳлису мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. У Мафтуна Қувондиқова билан кўпураш бўйича жамоавий чиқишларда, кўпурашлар бўйича яккалик баҳсида, ҳалқда чиқишларда 3 та олтин медалга сазовор бўлди ва яқунда умумжамоа ҳисобида Самарқанд вилоятининг 1-ўринни олишига катта ҳисса қўшди. Кейинги поғоналардан Тошкент шаҳри ва Бухоро вилояти вакиллари жой олди.

(Давоми 16-бетда.)

Еттинчи довон ортда қолди



қасида қашқадарёликлар, ўғил болалар баҳсларида андижонликлар 3-ўрин сохиби бўлди.

BASKETBOЛ. Жиззах олимпия захиралари коллежи манежи яна бир жамоавий спорт тури бўйича ўтказилган мусобақаларга мезбонлик қилди. Мезбонлар жамоавий спорт турларидан фақат баскетболдагина терма жамоаси борлиги учун Жиззахлик ёшларга, аниқроғи, қизлар жамоасига катта ишонч билдиришди. Улар аввалига ярим финалда наманганликларни енгиб, буни оқлади. Бироқ финалда улар қорақалпоғистонлик баскетболчи қизларга дуч келди ва 38:59 ҳисобида мағлуб бўлди.

Бронза медалларни қизлар мусобақасида наманганликлар, ўғил болалар баҳсида хоразмлик ёш баскетболчилар кўлга киритди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. «Сўғдиёна» универсал спорт мажмуаси стадиониде спортнинг ушбу тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Бунда енгил атлетикачи ўғил-қизлар югуриш


тадан олтин медалга эга бўлди. Шунга қарамай, яқини рейтингда қашқадарёликлар 8-ўрин, Тошкент вилояти 6-ўринда қайд этилган. Пойтахтликлар эса 2 та олтин, 3 та кумуш ва 6 та бронза медал жамғарди.

СУЗИШ. Замонавий мейморчилик асосида бунёд этилган «Сўғдиёна» универсал спорт мажмуаси сузиш ҳавзасида «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг энг сермаҳсул мусобақаси — сузиш баҳслари ўтказилди. Уч кун давом этган баҳсларда ўғил болалар ва қизлар брасс, баттерфлай, эркин, чалқанча сузиш усуллари ва аралаш эстафета бўйича голиблик учун мусобақалашди.

Яқунда Тошкент шаҳри вакиллари 264 очко жамғариб, 1-, андижонликлар (257) 2- ва қашқадарёликлар (239) 3-ўринни банд этди. Мусобақаларда энг кўп — 7 та олтин медал пойтахтликларга насиб қилган бўлса, қашқадарёликлар ҳисобида 6 та, андижонликларда 5 та олтин медал эзилди. Сермаҳсул сузувчилар орасида таниқли спортчимиз Фотима Амилова қашқадарёликлар, Артём Козлюк пойтахтликлар учун 4 та олтин ҳада этди.

БОКС. «Сўғдиёна» универсал спорт мажмуасида бокс бўйича 49, 52, 56, 60, 64, 69, 75, 81 кг вазн тоифаларида ярим финал жанглири бўлиб ўтди.

Яқунда С.Холмуродов (Жиззах), А.Халоков (Тошкент), З.Жуманазаров (Тошкент в.), С.Жафаров (Бухоро), Б.Мирзаарҳимов (Фарғона), Т.Савдуллаев (Тошкент в.), Р.Отаназаров (Хоразм) ва О.Тошнйёзов (Самарқанд) ўз вазн тоифаларида олтин медалга сазовор бўлди.



ЕТТИНЧИ ДОВОН ОРТДА ҚОЛДИ

(Давоми. Боши 15-бетда.)

ОФИР АТЛЕТИКА. Жиззах олимпия захиралари коллежи менежида полвонлар (фақат ўғил болалар қатнашди) тош кўтариш бўйича бахшланди. Унда 69, 77, 85 ва +85 килограмм вазн тоифасидаги полвонлар гиламга чиқди.

69 кг вазни иштирокчилар орасида А.Эргашев (Тошкент вилояти) голиб чиқди. Ф.Айтмуродов (ҚҚР) 77 килограмм вазн тоифасида тенгсизлигини исботлади. Ш.Шухратбеков (Андижон) ва С.Тоштемиров (Тошкент шаҳри) кучли учликдан жой олди. 85 килограммда У.Шохназаров (Тошкент шаҳри) 1-, Д.Отабоев (Тошкент вилояти) 2- ва А.Ҳожиёв (Самарқанд вилояти) 3-ўринни эгаллади. 85 килограммдан юқори вазни полвонлар беллашувида Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган А.Жўраев голиб бўлди. Ундан кейинги погонларни А.Ли (Тошкент шаҳри) ва М.Мадримов (Хоразм) эгаллади. Умумжамоа ҳисобида пойтахтликлар 1-ўринни олган бўлса, Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ўчилини тўлдирди.

ЮНОН-РУМ КУРАШИ. «Баркамол авлод» спорт ўйинлари учун янгилик бўлган мазкур мусобақалар қутилганидан ҳам қизгин тарзда ўтди. Жиззах Олимпия захиралари коллежи менежида кечган беллашуларда фақат ўсмирлар қатнашди. Унда 60, 66, 74 кг вазнга эга ёш спортчилар ўз маҳоратини намойиш этди. Хусусан, 60 кило вазнликлар ўртасида пойтахт жамоаси вакили М.Юсупов финалда андижонлик Х.Қамолдинновни енгиб, олтин медалга эга бўлди. Бронза медаллар Д.Омонгелдиев (Тошкент в.) ва Ж.Уралов (Жиззах)га насиб этди. 66 кг.гли ўғил болалар мусобақасида бухоролик М.Бахшulloевнинг кўли баланд келди. У финалда пойтахтлик А.Хусейновни мағлуб этди. 74 кг вазн тоифасидаги юнон-рум курашчилари ўртасида ҳам бухоролик полвон — П.Мўминов зафар қўчди. У финалда самарқандлик А.Раимовни енгди.

Яқиний натижаларга кўра, Бухоро вилояти 1-, Тошкент шаҳри 2- ва Самарқанд вилояти жамоаси 3-ўринни эгаллади.

ЭРКИН КУРАШ. Мазкур спорт тури бўйича мусобақалар ҳам Жиззах олимпия захиралари коллежи менежида 60, 66, 74 кг вазн тоифаларида ўтказилди.

60 кг вазн тоифасидаги ўғил болалар баҳсида Тошкент шаҳри вакили Ш.Едгоров финалда жиззахлик У.Қорабековни мағлуб этди. Бронза медаллар Б.Муратов (Навоий) ва Ф.Мамажонов

(Сирдарё)га берилди. 66 кг вазн тоифасидаги беллашуларда ҳам пойтахт жамоаси вакили Н.Раҳимовнинг кўли баланд келди. У финалда хоразмлик Р.Худойбергандовнинг курагини ерга текказди. Х.Ҳошимов (ҚҚР) ва Д.Бозоров (Фарғона) бронза медал билан кифояланди. 74 кг вазни полвонлардан «Баркамол авлод — 2017» фестивали голиблиги андижонлик Ж.Усмоноҳуновга насиб қилди. Финалда енгилган жиззахлик Д.Олимов кумуш, У.Самадов (Навоий) ва Б.Исломов (Тошкент в.) бронза медалга эга бўлди.

Эркин кураш бўйича умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари 1-ўринни олди. Жиззах ва Хоразм вилояти жамоалари ўчилини тўлдирди.

ТАЭКВОНДО (WTF). Жиззах олимпия захиралари коллежи менежида ўтказилган курашларда ўғил болалар 55, 63 кг ва қизлар 49, 55 кг вазн тоифаларида куч синашди.

Хусусан, 55 кг вазн тоифаси (қизлар)да 1-ўрин жиззахлик Ш.Норматовга насиб қилди. У финалда фарғоналик рақибаси Д.Баҳриддинновани мағлуб этди. 3-ўрин Л.Пўлатова (Тошкент ш.) ва У.Тоштемирова (Сурхондарё)га берилди. 49 кг вазн тоифаси (қизлар)даги беллашуларда олтин медал хоразмлик Ш.Аминовани мағлуб этган Н.Қамчибекова (Фарғона)га берилди. Бронза медаллар Ш.Шодмонова (Қашқадарё) ва Н.Умирова (Жиззах)га насиб қилди.

63 кг вазн тоифаси (ўсмирлар)да 1-ўринни Н.Пўлатов (Тошкент ш.) финалда самарқандлик Д.Давроновни енгиб, кўлга киритди. 55 кг вазн тоифаси (ўсмирлар)да эса бундай шарафга жиззахлик ёш таэквондочиси С.Бобобеков сазовор бўлди. Унга финалда ютказган Ж.Гулматов (Сурхондарё) кумуш, Ш.Султонов (Бухоро) ва С.Аҳмедов (Сирдарё) бронза медал билан келди.

Умумжамоа ҳисобида Жиззах вилояти ёшлари 1-ўринни банд этди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Сурхондарё ва Фарғона ёшларига насиб этди.

ТЕННИС. Мусобақалар Жиззах олимпия захиралари коллежи кортларида бўлиб ўтди. Ўғил болалар ва қизлар ўртасида шахсий ва аралаш бахслар ташкил этилди.

Мусобақаларда энг кўп ютуққа фарғоналик ёшлар эришди ва умумжамоа ҳисобида ҳам улардан ўзидигани топилмади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Тошкент шаҳри ҳамда Жиззах вилояти ёшларига насиб этди.

БАДМИНТОН. Бадминтоннинг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари дастурига киритилиши



фестиваль жозибасини янада оширди.

Айниқса, бадминтончи қизларнинг нафис ҳаракатлари томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Матчлар Жиззах олимпия захиралари коллежи менежида шахсий ва аралаш йўналишларда бўлиб ўтди.

Жумладан, қизлар ўртасидаги яққалик бахсларида 1-ўринни Ш.Шавкатова (Тошкент ш.) кўлга киритди. 2-ўрин андижонлик М.Фафурова ҳамда 3-ўрин сирдарёлик Ф.Абдувалиевага насиб қилди. Ўғил болалар ўртасидаги курашларда эса бухоролик А.Ҳожаевага тенг келадигани бўлмади. Ундан кейинги ўринларни пойтахтлик А.Хуршудья ва андижонлик Б.Қўчқорбоев банд этди.

Аралаш йўналишдаги бахсларда бухоролик жуфтлик А.Ҳожаев ва М.Сафарова олтин медалга эга бўлди. Тошкент шаҳри вакиллари А.Хуршудья ва Ш.Шавкатовага кумуш, андижонлик Б.Қўчқорбоев ва М.Фафуровага бронза медаллари берилди.

Умумжамоа бўйича Тошкент шаҳри 1-, Бухоро ва Андижон вилоятлари 2- ва 3-ўринларни эгаллади.



Хайр Жиззах, салом Қашқадарё!

«Сўғдиёна» универсал спорт мажмуаси стадионида академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2017» спорт ўйинларининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда мусобақалар давомида энг кўп медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси бош мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод — 2017» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси — «Damas» автомобили билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллаган Андижон вилояти ва 3-ўринни кўлга киритган Самарқанд вилояти жамоаларига Президент совғаси — «Damas» автомобиллари топширилди.

Шунингдек, мурасасиз курашларда алоҳида маҳорат кўрсатган, тенгқурлари орасида юқори натижаларга эришиб, ғалабага бўлган иштиёқини намойиш этган 4-ўрин соҳиблари Жиззах вилояти ёшларига махсус соврин тақдим этилди.

— Эътиборли томонларидан бири шuki, мусобақа голибларига ilk маротaba совга сифатида жаҳон адабиёти мулкига айланган, аjoyиб dizaynga эга kitoblar (asarlar) ҳам совга қилинди, — деди жиззахлик ёш тадбиркор Ж.Иньомов. — Бу эса ўка-сингилларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан етук шахслар бўлиб улғайишида ўзига хос рағбатдир. Ўйлайманки, спорт ва китобхонликнинг уйғунлашуви фақат ва фақат эзгуликка хизмат қилади.

Уч кун ёниб турган «Баркамол авлод — 2017» машаласи сўндирилди ва эстафета байроғи Қашқадарё вилояти ёшларига берилди. Демак, 2020 йилда ўтказиладиган галдаги «Баркамол авлод» спорт ўйинларига ушбу вилоят мезбонлик қилади.

«Баркамол авлод — 2017» спорт ўйинларининг ёпилиш маросими спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва санъаткорларнинг катта концерти билан яқунлади.

«Баркамол авлод — 2017» спорт мусобақаларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов иштирок этди.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбирлари

ЎЗА суратлари.

Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan ва madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. Г-515. Tiraj 52300.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahriyiyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahriyiyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Malo hat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.

Navbatchi muharrir:

Dilmurod DO'STBEKOV.

Navbatchi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 21.45 Topshirildi — 22.30

1 2 3 5 6